

## КИРИШ

Давлат статистика қўмитасига кўра, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси қарийб 36,8 млн кишини ташкил этган. Аёллар сони – 18 274 745 киши, эркеклар сони – 18 525 011 киши. 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига доимий аҳоли таркибидаги эркеклар сони аёллар сонидан 250 266 нафарга кўп.

Республиканинг доимий аҳолиси сони ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 2,2 фоизга ошган. Мамлакат аҳолиси 2023 йил бошидан буён 574,8 минг кишига кўпайган. Бу рақам кунлик доимий аҳоли сони ўртача 2,1 минг кишига кўпаяётганини ифода қилади.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамияти ва унинг вилоятлардаги бўлимларига 2023 йил давомида фуқаролардан 5 112 та мурожаатлар келиб тушди. Мазкур мурожаатлар ўзида давлат ҳокимияти органларида коррупция, суд-ҳуқуқ тизимидаги ноҳақликлар, маиший зўровонлик, қийноқ ҳолатлари ва диний эркинликлар соҳасини кўзда тутди.

Кичик тадқиқотларимиз натижаларига кўра, инсон ҳуқуқлари соҳасида ўзига хос турғунлик юзага келган. Соҳадаги халқаро мажбуриятларни бажариш юзасидан давлат ҳокимияти органлари ўртасида мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик етарлича мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти бу борадаги муаммоларни ўз чиқишларида бир неча марта такрорлаган.

Парламент, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти Президент қўйган талаблар даражасида эмас. Соҳада Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини лозим даражада бажариш устидан самарали парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш эҳтиёжи мавжуд.

**Шунингдек**, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги ислохотларни янги босқичга кўтариш талаб этилади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва олдини олиш бўйича идоралараро фаолият ва самарали ўзаро ҳамкорликни, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни тубдан такомиллаштириш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н. Йўлдошевнинг шу йил 8 январдаги мурожаатида айтилганидек, тизимда жамоат тартибини сақлаш, жиноятларга қарши курашиш ва давлат хизматларини кўрсатиш фаолиятига доир аниқ мезонлар белгиланмаган.

**Тадқиқотларга кўра**, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормаларини қўллаш амалиёти йўлга қўйилмаган, судларда процессуал нормалардан кўра Олий суд пленуми қарорларига кўпроқ таянилади. Ҳолбуки, Олий суд пленуми қарорлари қонун ости ҳужжатиدير. Озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларнинг инсон ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилишнинг самарали тизими тўлиқ ишламаяпти. Бу борада фақатгина Омбудсман монитроингларни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Ҳолбуки, бундай ҳуқуқ бошқа фуқаролик жамияти институтлари ва ташкилотларга ҳам берилиши керак.

**Жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилувчи**, инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасида айрим муаммолар мавжуд.

Хусусан, мамлакатда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, кўпчиликка фуқаролик берилгани ҳолда айрим шахсларга Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақом берилган бир пайтда фуқаролик ололмаётган юртдошларимизнинг ана шу муаммосини қонуний ҳал этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чоралар ҳалигача тўлиқ ҳал этилмаган.

**Бинобарин**, инсон ҳуқуқларига оид таълим ва тарбия, давлат хизматчиларини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятлар бўйича тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида тизимли ва ўзаро боғлиқ иш фаолияти йўлга қўйилмаган. Айти пайтда инсон Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академиясида инсон ҳуқуқлари бўйича магистратура таълимнинг йўлга қўйилгани таҳсинга сазовор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил апрелдаги инсон ҳуқуқлари таълими соҳасидаги дарсликлар ишлаб чиқиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори сўнгги йиллардаги энг муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан биридир.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамиятининг қўлингиздаги мўъжаз хулосаларида ана шу иддаоларни асословчи фактлар ўрин олган. Тадқиқотларимиз мамлакатдаги инсон ҳуқуқларига доир жараённи тўлиқ қоплай олади, деган иддаода эмасмиз. Аксинча, хулосаларимиз фаолларимиз томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ эзгуликка хизмат қилса, бундан мамнунмиз.

## СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ВА ПЛЮРАЛИЗМ

Шахснинг сўз ва эътиқодида мужассамлашган фикри унинг ички дунёсини тавсифлайди, индивидуалликни белгилайди. Фикрлар онгнинг янада ҳаракатчан элементидир. Эътиқод эса шахснинг қадрият йўналишларини тавсифловчи барқарор қарашлар тизими ҳисобланади.

Сўз эркинлиги — демократик жамиятнинг асосий устунларидан бири ҳисобланади. Ҳар кимда ўз фикрини эркин ифода эта олиш имконияти бўлиши керак. Шу маънода, мамлакатимиз медиа маконида ҳам кенг қўламли ислохотларни амалга оширилишга қартилган ҳаракатлар кузатилмоқда. Буни сўнгги йилларда оммавий ахборот воситалари мазмун-моҳиятидаги янгиликлар, айниқса, нодавлат интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқлар фаолиятидаги фаолликда яққол кузатиш мумкин.

Шу билан бирга, баъзи нашрларнинг қисман ёки буткул фаолияти тўхтаётганига ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз.

Сўз эркинлиги ҳуқуқи давлат ҳокимият органларининг аралашувисиз ва давлат чегараларидан қатъи назар, фикр юритиш, ахборот ва ғояларни қабул қилиш ва тарқатиш эркинлигини ҳам ўз ичига олади. Инсон ҳақиқатни билиш, ўзлигини англаш, ўз ҳуқуқларини тушуниш ва уларни ҳимоя қилишида ҳамда мавжуд сиёсий тузумнинг камчиликларини аниқлашида сўз эркинлигининг аҳамияти яққол кўринади.

### Эркинлик ва чегаралар

Конституция билан кафолатланган сўз эркинлиги ўз фикрини эркин ифода этиш, уни бошқаларга етказиш имконини беради. Сўз эркинлиги жамият ва давлат ҳаётининг турли масалаларида фикрлар хилма-хиллигини таъминлайди. Бундан демократик жамият, умуман барча бирдек манфаатдор.

Эркинликнинг тўб маъносига эътибор берсак, бу маълум бир хатти-ҳаракатни амалга оширишдаги тўсиқларнинг мутлақо йўқлигини англатади. Шундай бўлса-да, инсоният асрлар оша эркинлигини маълум чегаралар доирасида амалга ошириб келади. Сабаби эркинлик жамиятда мутлақ кўринишда мавжуд бўлолмайди, ҳар ким ўз эркидан ҳеч қандай чек-чегарасиз, масъулият ва жавобгарликсиз фойдаланиши жамиятда тартибсизлик (хаос)ни келтириб чиқаради. Шунини ҳисобга олган ҳолда «ҳар бир инсоннинг эркинлиги бошқаларнинг эркинлиги бошланган жойда тугайди» деган умумий принцип қадимдан барча давлат ва жамият томонидан қабул қилинган.

Айтиш мумкинки, айти шу тамойилнинг ишлаши орқали ҳам инсоният бугунги кунга қадар мавжуд бўлиб, тараққий этиб келмоқда. Шу ўринда эркинлик ва ҳуқуқ тушунчалари бир-биридан фарқланишига эътибор қаратиш керак бўлади. Эркинлик инсон туғилганидан бошлаб шаклланади, ҳуқуқ эса айти шу эркинликнинг давлат томонидан таъминлаб ва кафолатлаб қўйилган кўринишидир.

Сўз эркинлиги юқоридаги фикрларга истисно эмас. Давлат ҳар бир шахсга ўз фикрини ҳар қандай тарзда эркин баён этиш ҳуқуқини тақдим қилади. Фақат ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш давлат томонидан таъминлаб берилаётган, қонун билан қўриқланадиган бошқа субъектлар (шахс, жамият ёки давлат)нинг ҳуқуқ ва манфаатлари бошланган жойда тугаши, уларга зарар етказмаслиги талаб этилади. Инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва обрўси, жамоат тартиби, аҳоли саломатлиги, ахлоқий қадриятлар, давлат сири, давлат хавфсизлиги кабилар бунда муҳофаза қилиш объекти — чегара бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Open Data Watch ташкилотининг Open Data Inventory очик маълумотлар рейтингда 66 балл билан жаҳон миқёсида 40-ўринни, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллади.

Қайд этилишича, 2020–2023 йиллар оралиғида Ўзбекистон умумий балл маълумотлар қамрови (data coverage) бўйича натижалари 52 баллдан 56 баллга, шунингдек, маълумотларнинг очиклиги бўйича эса 72 баллдан 74 баллга кўтарилган.

Рейтингда Ўзбекистон ўрни яхшиланишига жиноят ва одил судлов, давлат бюджети субиндикаторлардаги сезиларли ўсишлар сабаб бўлди. Хусусан, давлат харидлари жараёнлари рақамлаштирилиб, онлайн платформалар орқали амалга ошириш тизими яратилгани, суд тизимидаги жараёнлар рақамлаштирилгани, очиқлиги таъминланаётгани эътиборга олинган.

### Мобил интернет тезлиги ва нархи бўйича Ўзбекистон

2023-йил ноябр ойидаги “Speed Test Global Index” рейтингига биноан Ўзбекистон мобил интернет тезлиги бўйича дунёда 99-ўринни эгаллади.

Эрон телерадиокомпаниясининг ўзбек тилидаги сайтининг хабар қилишича, Ўзбекистон бу рейтингда бир поғонага кўтарилиб мобил интернет тезлиги 24,70 Mbit/s де баҳоланмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон симли интернет тезлиги бўйича 90-ўринни эгаллади /илгари 93-ўринда эди. Ўртача тезлик эса 55,45 Mbit / с. Дунёда энг тез сураётга эга интернет эса БААда ва 324,92 Mbit/s ни ташкил қилган. Сингапур эса мисли интернет бўйича 263,51 Mbit/c тезлик билан биринчи ўринда туради.



Рақамли технологиялар вазирлигининг маълумотларига кўра, аҳоли пунктларини мобиль алоқа ва интернет билан қамров даражасини яхшилаш бўйича йил бошидан 5 000 тадан ортиқ таянч станциялар ўрнатилган ва модернизация қилинган. Натижада республика бўйича мобиль алоқа қамрови даражаси 99 фоизга, кенг полосали мобиль интернет қамрови 98,5 фоизга, халқаро аҳамиятга эга автотўлларнинг мобиль интернет билан қамров даражаси 75 фоизга етказилган.

Бугунги кунда халқаро Cable.co.uk сайтининг Интернет арзонлиги юзасидан тузилган рейтингда Ўзбекистон симли интернет арзонлиги бўйича 219 та давлат ичида 25-ўринни (ўртача Интернет нархи 15,48 АҚШ доллари) ҳамда мобиль интернет арзонлиги бўйича 233 та давлат ичида 22-ўринни (ўртача Интернет нархи 0,30 АҚШ доллари) эгаллаб турибди.

Республика бўйича барча ижтимоий соҳа объектлари, жумладан 10 минг 271 та халқ таълими, 6 минг 539 та мактабгача таълим, 3 минг 920 та соғлиқни сақлаш, 9 минг 403 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда 5 минг 583 та милиция таянч пунктлари юқори тезликдаги интернет тармоғига уланиш имконияти билан таъминланган. Wi-Fi технологияси ёрдамида жамоат жойларида симсиз кенг полосали тармоқларни кенгайтириш мақсадида жами Wi-Fi нуқталар сони 7 минг 81 тага етказилган.

### Халқаро нормалар

Давлатларда сўз эркинлигининг қонуний ва адолатли чегараси ўрнатилишига эришиш учун халқаро ҳуқуқда қатор ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқилган. Чунончи, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 10-моддаси 2-қисмида давлатларнинг лицензиялаш ёки маълумот тарқатиш нуқтаи назаридан ва қонун билан белгиланган бошқа ҳолатларга асосан муайян чекловлар ўрнатиш ҳуқуқига эгаллиги ёзилган. «Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида» халқаро пактнинг 19-моддаси 3-бандида сўз эркинлигидан фойдаланиш алоҳида мажбурият ва масъулият юклаши белгиланган. Бу тарзда фойдаланиш айрим чеклашлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, лекин бу чеклашлар қонун билан белгиланиши ва қуйидагилар:

- бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш;
- давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлиги ёки ахлоқни муҳофаза этиш учун зарур бўлиши қайд этилган.

Таъкидлаш керакки, сўз эркинлигининг чекланиши иккита асосий мезон — қонунийлик ва зарурийликка асосланган бўлиши керак. Қонунийлик деганда чегаралар қонун билан белгиланиши, зарурийлик деганда бошқа субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсади тушунилади. Бунда мақсад юқорида айтилганидек, шахс, жамият ёки давлатнинг қонуний манфаатини ҳимоя қилишдан иборат бўлиши ва чеклаш ҳолатлари эса қонунан тугал шакллантирилиши зарур.

### Ўзбекистон қонунчилиги

Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар орасида инсоннинг энг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан бири сўз эркинлигидир. Бу эркинлик давлат томонидан кафолатланган. Мазкур масала янгиланган Конституцияда ўзининг моҳият ва мазмуни жиҳатдан алоҳида ўрин эгаллаган.

Ўзбекистон Конституциясининг 2023 йил 1 майдан кучга кирган янги таҳририда сўз эркинлиги ва оммавий ахборот воситаларига доир моддаларида ҳам айрим ўзгаришлар рўй берган.

Бу қоидалар янги конституциянинг 33-моддасида: «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Давлат интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади» дейилади..

Янги таҳрирдан ОАВга оид иккита модда ўрин олган: 81-модда. Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ иш олиб борадилар. Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди.

Оммавий ахборот воситалари ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишончилиги учун жавобгардир. 82-модда. Цензурага йўл қўйилмайди. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади».

30 май кунги референдумда қабул қилинган Янги конституцияга кўра, Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликни янги конституцияга мослаштириш дастурини 2 ой ичида ишлаб чиқиб, Олий Мажлисга киритиш вазифаси юклатилди.

Журналистлар фаолиятига тўсқинлик қилганлик ёки аралашганлик учун кодексларда жавобгарлик белгилаш масаласи ҳам шу дастурдан ўрин олиши керак бўлади.

Фуқаролар сўз эркинлиги ва ўз ҳуқуқларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига зарар бермаслиги шарт.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, улар Конституцияга, мазкур қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади; оммавий ахборот воситалари ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланади ҳамда ўзлари эълон қилаётган ахборотнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Бунда, биринчидан, оммавий ахборот воситаси орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралаштириш тақиқланади.

Сўз эркинлигидан фойдаланиш жараёнида қонуний тартибларга риоя қилмаслик, тегишли мажбуриятларни бажармаслик, бошқаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиш тўхмат, ҳақорат қилиш, ёлғон хабар тарқатиш, қонунчилик ҳужжатларини бажармасликка ёки бузишга омма олдида даъват қилиш, оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини қонунга хилоф равишда тайёрлаш ва тарқатиш, порнографик, зўравонлик ёки шафқатсизлик тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тарқатиш ёки намойиш этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш каби Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ёки Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси моддаларида кўрсатилган жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин.

Конституциянинг 70-моддасида, «Ўзбекистон Республикасида касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар ташкилотлари, фахрийлар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ҳамда фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади», деб белгилаб қўйилган. ОАВ ҳам ўз ўрнида нодавлат – нотижорат ташкилот ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда 749 та оммавий ахборот воситалари расмий рўйхатдан ўтказилган.

Бош қомусимизнинг 72-моддасида, “Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга жамият ҳаётида иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратади. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашшига, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди”, дея таъкидланган. Шу жумладан, ОАВларининг қонуний фаолиятига давлат ҳокимияти органлари ҳеч қандай чеклов, таъйиқ ўтказмаслиги лозим.

Ҳуқуқий ахборотни эълон қилувчи бир қанча каналлар, жумладан, 05.01.2023 йилда Ўзбекистон Адлия вазирлиги “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг (1997 йилда қабул қилинган) 15-моддасига асосланиб, журналистлар тайёрлаган ва тарқатаётган хабар ва материалларнинг тўғрилиги учун жавобгарлиги тўғрисидаги маълумотларни жойлаштирди.

Аммо, ушбу қонуннинг 14-моддасида цензура, журналистга босим ўтказиш, унинг касбий фаолиятига аралаштириш, уларнинг розилигисиз ахборот манбасини ёки муаллифнинг исмини ошкор қилиш учун жавобгарлик белгилангани эсланмади.

Эркин фуқаролик жамиятининг қонунчилик ва суд амалиётида Сўз эркинлиги суистеъмол қилинишининг олдини олиш мақсадида унга нисбатан муайян чеклашлар тизими ишлаб чиқилади. Хусусан, Сўз эркинлигидан қонуний давлат ҳокимиятини зурлик билан ағдариш, давлат сири ва қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирни ошкор қилиш, жиноятлар содир этишга ундаш, миллий, ирқий, диний ва бошқа хил адоватни келтириб чиқариш, бошқа шахсларни ҳақоратлаш ва тўхмат қилиш, жамоат ахлоқи ва одобилани бузиш мақсадида фойдаланиш ман қилинади. Бу ҳақда қонунчиликда тегишли юридик жавобгарлик белгиланади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда эркин фикр билдириш, матбуот органларига берилаётган имкониятлар даражаси сезиларли даражада ошгани кўринади. Оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда кўплаб муҳокамаларда кишиларнинг фикр билдириш ҳуқуқларидан фойдаланиши кескин ортган. Бунга ижтимоий тармоқларда блогер ва мустақил журналистларнинг, ҳуқуқ фаолларининг турли ижтимоий ва сиёсий мавзулардаги жиддий чиқишлари, оддий аҳолининг муаммоларини ёритиб келаётган жамоат фаолларининг фаоллагани мисол ўлароқ келтириш мумкин.

Айрим фаолларнинг турли тарзда пинҳоний таъқиб этилиши, баъзи ҳолларда ошкора тазйиққа олиниши ортидан жамиятда бирмунча қўрқув, ҳадиксираш ҳолати кузатилаётган бўлса-да, аҳолининг нафақат

зиёли қатлами, балки оддий фуқаролари ҳам ўз ҳуқуқларини таний бошлагани ортидан фаоллик барибир ҳам давом этмоқда. Бунга мамлакат президенти Шавкат Мирзиёевнинг сўз эркинлиги борасидаги ислоҳотлар ортга қайтмайдиган йўналишга киргани борасидаги муттасил чақириклари илҳом беради.


Афсуски, коррупциялашган ҳар қандай жамиятда қинғир ишларини омма олдида очиқланишини истамаётган амалдорлар, муттасил равишда ОАВ ва ижтимоий тармоқ фаолларига қаршилиқ кўрсатиш, ҳар қандай йўл билан бўлсада, ҳатто сотиб олишга имкон бўлмаганида жисмоний куч ишлатиш, қамаш, жарималарга тортириш, ҳатто жисман йўқ қилишгача бўлган ҳаракатларини амалга ошираверадилар.

Лекин, очиқлик сиёсатини истаётган халқ учун бундай оммавий қатағонларни сўз эркинлигисиз бартараф этиш мумкин эмаслигини тарих кўп бора исботлаган.

Ўзбекистонда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг фаолияти халқаро ташкилотларнинг сўз ва матбуот эркинлиги соҳасидаги тавсиялари асосида қайта ташкил этилади. Бу 2022-26 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси лойиҳасида қайд этилган.

### 2023 йилда Ўзбекистон “Сўз эркинлиги индекси”да 4 ўринга пастлади

«Чегара билмас мухбирлар» (Reporters Without Borders) ташкилотининг 2023 йилдаги рейтингда Ўзбекистон аввалги йилга нисбатан 4 поғонани йўқотиб, рейтингда 180 та давлат ичида 137-ўринни эгаллади. «2016 йилда президент Ислоҳ Каримов вафотидан сўнг матбуотдаги вазият бироз яхшиланди, лекин ҳукуматни танқид қилиш муаммолигича қолмоқда», — дейилади ташкилот ҳисоботида. Унда айтилишича, Ўзбекистон расмийлари оммавий ахборот воситалари ва ҳукумат билан яқин алоқада бўлган қатор блогерларни «сезиларли даражада» назорат қилади. Мамлакатда оммавий ахборот воситаларига оид репрессив қонунлар ва кенг тарқалган кузатув, цензура ва ўзини ўзи цензура қилиш каби ҳолатлар мавжуд.



Экспертлар блогер Отабек Сатторий иши ва 2022 йил ёзида Нукусдаги намойишларни ёритган журналистларга нисбатан бўлган босимни ҳам тилга олган. Сатторий 2021 йил май ойида тўхмат ва товламачилиқда айбдор деб топилиб, 6,5 йилга озодликдан маҳрум этилган. Блогернинг ўзи судда айбини тан олмаган. Human Rights Watch инсон ҳуқуқлари ташкилоти унга қўйилган айбловларни «шубҳали», суд қарорини эса «Ўзбекистонда сўз эркинлигига зарба» деб атаган.



Шавкат Мирзиёев 8 май куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ва жамоатчилик фаоллари билан референдум якунларига бағишланган учрашувда ахборот маконида ҳаққонийлик ва холислик бош мезон эканини унутмаслик зарурлигини айтиб, бугунги кунда халқ овози ва фикрини кенг жамоатчиликка, давлат идоралари эътиборига олиб чиқаётган энг таъсирчан куч, бу — оммавий ахборот воситалари ва журналистлар экани таъкидланди.

2023 йил 15 май куни президент Администрацияси раҳбари ўринбосари, президент матбуот котиби Шерзод Асадов журналистика бўйича йиллик «Олтин қалам» миллий мукофоти доирасида Ўзбекистонда сўз эркинлиги даражаси ҳақида фикр билдирди.

Унинг таъкидлашича, «Менинг назаримда, агар сиз объектив журналист бўлсангиз, сиз ҳам буни тан оласиз. Жуда ҳам кўп иш қилинди. Албатта, дейлик, ривожланишнинг, прогресснинг ҳеч қандай чегараси йўқ. Қиладиган ишимиз жуда ҳам кўп. Тўхтатишимиз асло мумкин эмас».

Президент Администрациясининг ахборот хавфсизлиги департаменти директори Комил Алламжонов эса сўз эркинлиги даражасини 10 баллик тизимда 5,5 балга баҳолаб, ҳали қилинадиган ишлар кўплигини айтди.

### **Интернетдан фойдаланиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон фуқароларининг шахсий ҳуқуқларига яна бир ҳуқуқ — интернетдан тўсиқсиз фойдаланиш ҳуқуқи қўшилди.

Янги Конституциянинг 33-моддасидаги сўз, фикр эркинлиги, ахборот олиш ва уни тарқатиш сингари анъанавий шахсий ҳуқуқлар билан бир қаторда интернетдан эркин фойдаланиш ҳуқуқи ҳам киради. Янги нормага кўра, давлат интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

Ўзбекистонда мамлакатда интернетдан фойдаланувчилар сони 2016 йилдаги 12,1 миллиондан 2022 йилга келиб 32 миллионга етган. Мамлакат ҳудудининг интернет билан қамраб олиниши эса — 2016 йилдаги 28 фоиздан 2022 йилда 98 фоизга етган.

Бироқ, шу билан бирга, буларнинг барчаси жамиятимиз ва давлатимиз ҳал этиши керак бўлган қатор муаммо ва муаммоларни келтириб чиқаради. Интернет жаҳон тармоқлари орқали кириб келаётган баъзи таҳдидларни, уларнинг деструктив омилларини, ёшларимизга салбий таъсирини ҳисобга олиб, уни зарур бўлганда, шу заруратга асос бўлганда чеклаш ҳоллари жаҳон тажрибасидан ҳам маълум.

### **Адлия вазирлиги медиани маъмурий ислоҳотларни бир томонлама ёритишда айблади**

Фақат мақтов ёғдирган давлат нашрларидан фарқли равишда, ҳукуматдаги ўзгаришларга нисбатан муқобил фикрларга ҳам ўрин берган хусусий нашрлар Адлия вазирлигининг танқидига учради. Ўз фикрини билдирган мутахассислар билимсиз ва масъулиятсизга чиқарилди.

Адлия вазирлиги айрим оммавий ахборот воситаларини Ўзбекистондаги маъмурий ўзгаришлар, хусусан вазирликларнинг қўшиб юборилиши ва айрим давлат ташкилотларининг тугатилишини фақат салбий томондан кўрсатаётганликда айблаб [чиқди](#).



*“Албатта, фикрлар хилма-хил бўлгани яхши, лекин айрим ОАВ ва ижтимоий тармоқлар масалани мутахассис бўлмаган ёки зарур билим ва тажрибаси бўлмаса-да, ўзларини эксперт деб эълон қилаётган шахслар билан интервьюлар ташкил қилиб, ўз кузатувчиларига ислоҳотларни бир томонлама фақат салбий томондан кўрсатиш ва баҳолаш билан шуғулланмоқдалар. Хусусан, шу кунларда Kip.uz ва Qalampir.uz туркум интервьюларни эълон қилишди”, – дейилади адлия баёнотида.*

Ўтган йиллар давомида Kip.uz маъмурий ислоҳот мавзусида иқтисодчи Абдулла Абдуқодиров, ҳуқуқ фаоли Абдурахмон Ташанов ва таълим эксперти Баҳодир Ғаниев билан, Qalampir.uz сиёсатшунос Ҳамид Содиқ билан интервьюлар эълон қилган эди. Бу сўхбатларда мутахассислар рўй бераётган маъмурий ўзгаришларнинг нафақат ижобий жиҳатлари, балки камчиликлари ҳақида ҳам ўз фикрларини билдирганди.



Адлия вазирлиги ОАВнинг суҳбатдошларини “Ўзларини эксперт деб эълон қилаётган шахслар” деб атаркан, уларни масъулиятсизликда айблаган.

### Саида Мирзиёева сўз эркинлиги бўйича вакил билан учрашди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёрдамчиси Саида Мирзиёева 17 ноябр кунни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг ОАВ эркинлиги масалалари бўйича вакили Тереза Рибейро билан учрашув ўтказди.



Учрашувда дунёда сўз эркинлиги масаласида юзага келаётган ва баъзан авжига чиқаётган зиддиятлар ҳамда бу соҳадаги имкониятларни муҳокама қилинган.

«Биз ҳозир оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш босқичидамиз. Ахборот кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Сўнгги йилларда ОАВ соҳасида юз берган ижобий ўзгаришларни сақлаб қолиш ва журналистларни ҳимоя қилиш биз учун жуда муҳим», дейди Саида Мирзиёева. Маълум этилишча айнан ушбу мавзу

доирасида истиқболдаги қўшма лойиҳалар муҳокама қилинган.

### Фаол журналистлар Ўзбекистондаги сўз эркинлигини паст баҳолади

2023 йил 16 май кунни “Олтин қалам” XVII миллий мукофотини топшириш маросимида йиғилган журналист ҳамда жамоатчилик фаолларига **«Ўзбекистонда сўз эркинлигини 10 баллик системада неча балл билан баҳолайсиз..?»** деган савол билан юзлашди. Улар бу саволга турлича жавоб беришди, дейди Рост24 сайти:

Kun.uz журналисти Аброр Зоҳидов сўз эркинлигини 5 балл билан баҳолади ва **“бу кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан пасайганини”** қайд этди.

ЎзЖОКУ ректори Шерзодхон Қудратхўжа эса **“Ўзбекистоннинг кечаги ўтмишига нисбатан, ҳозирги кўрсаткич ёмон эмас”**, деб жавоб берди.

Президент матбуот котиби Шерзод Асадов **“сўз эркинлигини журналистларнинг ўзи баҳолаши кераклигини”** таъкидлади.

Президент Администрацияси раҳбари ўринбосари Комил Алламжонов эса **сўз эркинлигини 10 баллдан 5 ярим балл билан баҳолади**. Шунингдек, ҳали **“Ўзбекистонда бу борада қилинадиган ишлар кўп эканлигига”** урғу берди.



“Дунё ўзбеклари” сайти раҳбари Исмаи Хушев **“журналист ва блогерлар сўз масъулиятини ҳис қилмагани учун қамалди”** деган фикрни билдирди.

Шунингдек (фаҳрий журналистлардан фарқли ўлароқ), бошқа журналистлар ҳамда жамоатчилик фаоллари ҳам **Ўзбекистондаги сўз эркинлигига паст баҳо берди**. Улар **“блогер ва журналистларга тақиқ кўпайганини”** алоҳида таъкидлаб ўтишди.

### Президентга мурожаат ҳақида

3 март куни Мамлакат журналистлари ва ижтимоий тармоқларидан бир гуруҳи, ижтимоий тармоқлар орқали Сўз ва фикр эркинлигини таъминлашда ёрдам сўраб, Президент Ш.Мирзиёевга мурожаат йўллашди.

Эълон қилинган мурожаатга Президент Мирзиёев ёки Президент девони бирор муносабат билдирмасда, ижтимоий тармоқларда муҳокама қилинаётган бир вақтда унга Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси жавоб берди.

Президентга қилинган мурожаатга нега сўз эркинлигига бўлаётган босимлардан ҳимоя қилиши лозим бўлган Журналистлар уюшмаси жавоб бергани тушунарсиз қолди.

"Ҳолислик ва адолат бош мезон бўлсин" сарлавҳаси остида ёзилган матн уюшманинг веб саҳифасига жойланган ва унда мурожаатдаги фикрлар рад қилинган.

Қолаверса, айти кунларда ҳам мамлакатимизда матбуот ва сўз эркинлиги таъминланишини янада кучайтириш, бу борада қонунийлини таъминлаш, журналист ва блогерларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўлмали ишлар давом эттирилмоқда. Хусусан, янгиланаётган Конституцияимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилган. Ахборот кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилгани бунга яна бир ёрқин мисолдир.

Юқоридигилардан келиб чиқиб, шунга айтишимиз мумкинки, бир гуруҳ журналист ва блогерларнинг давлатимиз раҳбарига мурожаат йўллаганининг ўзи ҳам мамлакатимизда сўз эркинлигининг очиқ эканлигидан далолат беради. Лекин мурожаатда билдирилган кўпгина фикрларга қўшилишининг иложи йўқ. Сабаби, тўғри ва холислик билан сўз айтиётган, танқид қилаётган ҳеч бир инсонга бирон-бир тўсиқ, ва босимлар бўлаётганини шунчаки уйдурма, ҳақиқатдан йироқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Муносабатда Ўзбекистонда очиклик сиёсати ва сўз эркинлиги устувор эканлиги таъкидланган.

"Очиғи, ушбу мурожаат бундан 7-8 йил аввал эълон қилинганда эди, эҳтимол бирор фикр билдиришга ҳожат бўлмас эди. Негаки, бугун юртимизда очиклик сиёсати, сўз ва матбуот эркинлиги устувордир", деган Каримов даврига шаъма қилгани айтилаётган ташкилот.

Уюшма бирор таҳририят ва мустақил журналистларга босим бўлаётганига гувоҳ бўлмаганини ёзган.

"Яқин вақт ичида ҳеч бир таҳририят ва мустақил журналистларга, блогерларга босим ўтказилаётганига ёки бирон-бир ахборотнинг мазмун-моҳиятини ўзгартириш ёки чиқмаслигини талаб қилиш ҳолатларига гувоҳ бўлмадик".

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси ҳуқуқий чора кўрилган блогерлар ва журналистлар масаласига ҳам тўхталган ва уларни "сўз эркинлигини суистеъмол қилиш, матбуотдек муқаддас минбардан шахсий манфаат, сохта обрў-эътибор ёки бошқа ғаразли мақсадларда фойдаланиш"да айблаган.

Журналистлар уюшмаси босимлар ҳақидаги даъволар уйдурма эканлигини таъкидлаган.

### Ҳали кўп ишлар қилиниши керак” — Блинкен

“Марказий Осиё мамлакатлари чуқур интеграцияга киришса, бешта кичикроқ бозор ўрнига битта катта бозорни яратган бўлар эди”, – деди АҚШ давлат котиби Энтони Блинкен 1 март куни Kup.uz'га берган интервьюсида. У охириги йилларда Ўзбекистонда эришилган ютуқларни эътироф этиш баробарида, ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўплигини қайд этди.

АҚШ давлат котиби Энтони Блинкен Kup.uz'га берган интервьюсида Марказий Осиё давлатларининг ташқи иштирокчиларсиз, алоҳида иқтисодий иттифоқ тузиши эҳтимоли ҳақидаги саволга жавоб берди.

*“Ўйлайманки, бу мамлакатларнинг ўзлари қабул қиладиган суверен қарорлар орқали бўлади. Бизнинг ишончимиз комил, Марказий Осиё мамлакатлари қанча чуқур интеграцияга киришса, одамлар учун шунча фойда. Мисол учун, бу бешта кичикроқ бозор ўрнига битта катта бозорни яратган бўлар*



эди. Натижада бу дунёнинг турли жойларидан яна ҳам кўпроқ инвестиция жалб қилиш мумкин бўлади.

*Марказий Осиё ичидаги ўзаро алоқалар, савдо ва инвестиция оқимини осонлаштириш иқтисодий ўсишни ҳам рағбатлантиради, бундан ҳамма мамлакатлар аҳолиси наф кўради. Буни қандай амалга ошириш бўйича қарорларни шу мамлакатларнинг ўзлари қабул қилишади, четдан туриб бошқалар эмас”, – деди Блинкен.*

АҚШнинг бош дипломати очкилик, сўз эркинлиги ва диний эркинлик борасида Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳукумати қилган ўзгаришларга баҳо берди.

*“Бугун президент билан суҳбатимизда оммавий ахборот воситалари эркинлиги учун кўпроқ шароитлар яратиш, бошқа давлатлардан келаётган дезинформацияга қарши курашиш, фуқаролик жамиятини кучайтириш, диний эркинлик бўйича эришилган ютуқларни яна ҳам мустаҳкамлаш ҳақида фикр алмашдик. Пахтачиликда мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам берилгани айниқса тарихий ютуқ бўлди. Ўйлайманки, Ўзбекистонда келажакка зийрак назар ва ўз белгилаган йўли бор. Биз бу йўлида Ўзбекистонга яхши ҳамкор бўламиз, деган умиддамиз”, – деди Энтони Блинкен.*

### Тўлиқ цензура Ўзбекистонга қанчага тушади?

Ахборот устидан цензура ўрнатиш муаммони ечмайди, балки давлатнинг муаммони кўриш ва ҳис қилиш қобилиятини ўлдиради. Бу – эски тафаккур тарафдорларининг Ўзбекистон ва иккинчи маъмурият устидан ғалабасини ҳам англатади.

Сиёсатшунос, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамияти аъзоси Камолиддин Раббимов президент мустақил ОАВни қўллаб-қувватлаётгани, лекин ундан эркин матбуотни ёпишни сўровчилар борлиги ҳақида сўз юритди.

Президент Мирзиёев яқинда Қашқадарёга қилган сафарида, баъзи давлат мулозимлари “мустақил ОАВ ёпишни” сўраганини билдирди.

*“Ёпиқ давлат бўлиб, ОАВни қўллаб-қувватламаганимиз учун халқнинг овозини эшитмадик. Эркинлик нафаси ёқадими? Менга ёқади. Тўғри, менга бундай ишлаш қийинроқ. Ҳамма айтади, э, ёпиб қўй, дейди. Йўқ, ёпмайман. Яна олдингидек, прокурор, СНБ, текширувчи бўлаверсинми? Биз ниятимизга етдикми? Биримиз икки бўлдими?” – деди давлат раҳбари.*



Ўзбекистонда сўз ва фикр эркинлиги Конституциявий қадрият ва талаб эканини қўя турайлик. Яъни кимки сўз ва фикр эркинлигига қарши чиқса, аслида Конституциявий тизимга қарши чиққан бўлади. Чунки Ўзбекистон Конституциясига кўра, сўз ва фикр эркинлиги – олий қадриятлардан, бу ҳар бир шахснинг ҳуқуқи, уни поймол этиш эса – ноқонуний иш.

Ўзбекистонга дахлдор ахборот ва фикрлар ташаббуси, яна Ўзбекистондан ташқарига чиқиб кетади. Инсоният глобаллашувда яшамоқда. Бундан кейин, ахборот билан инсон ўртасида фақатгина унинг иродаси тўсиқ бўлиши мумкин. Ахборот инсоннинг бармоғи учиде туради. Бундан кейин ахборот дефицит бўлмайди, танқис бўлмайди.

Аксинча, инсонларнинг, жамиятнинг диққат-эътибори танқис бўлади. Ахборот кўп бўлади. Ахборотлар ўртасида мислсиз рақобат бўлади. Бу ахборотлар, одамларнинг, жамиятларнинг эътибори, онги, шуури учун курашади.

Лекин, агар Ўзбекистонда тўлиқ цензура ўрнатилса, Ўзбекистон мана шу рақобатли майдондан, ўз хоҳишига кўра, чиқиб кетган бўлади. Ташаббусни тўлалигича хорижий ОАВ қўлга олади, деди Камолиддин Раббимов.




### Таъқиб ва ҳибслар

Ўзбекистонда матбуот ва интернетдаги чиқишлар учун таъқиб ва “сўхбат”лар тенденцияси давом этмоқда. Айрим блогерлар, журналистларнинг тазйиқа учраётгани кўринади. Сўз эркинлиги учун таъқибларни ҳукумат эмас, айрим давлат ҳокимияти органлари вакилларигина амалга ошираётгани сезилиб бормоқда. Бу эса ҳукуматнинг сўз эркинлигини бўғишга систематик ёндашмагани, сўз эркинлиги бўғилишидан манфаатдор эмаслигини кўрсатади.

Сўнгги бир неча йил ичида фуқаро журналистлар Ўзбекистонда катта роль ўйнамоқда. Улар Президент Мирзиёев ҳукумати рухсат берган чекловларни кенгайтиришга уриниб келмоқда.

Расмийлар очиқ сўзловчи блогерларни кузатган ва бир неча ижтимоий медиа фаолларини ҳибсга олган бўлса ҳам, бу оммавий ахборот воситалари эркинлигига тўлиқ тазйиқ сифатида қаралмаган, кўплаб фуқарофий журналистлар бу алоҳида ҳолатлар бўлишига умид билдиришда давом этган.



Ижтимоий тармоқларда аҳоли саломатлиги учун ярқисиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишга қарши курашни тарғиб қилиб кўрсатувлар тайёрлаб келадиган Activist муаллифи - блогер Ҳожиакбар Носиров, ўзининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига савдо дўконларида сотилаётган турли йогурт маҳсулотларининг ҳаром эканлиги боис уларни истеъмол қилмаслик ҳақидаги фикрларини акс эттирувчи видеоларга жойлаганди.

Блогер юқорида келтирилган видеоролик орқали фуқароларга турли ишлаб чиқарувчи компаниялар маҳсулоти бўлган йогуртларнинг таркибида «кармин» моддаси мавжудлиги сабабли уларни истеъмол қилиш мумкин эмаслиги хусусидаги фикрларини тегишли соҳа мутахассисларидан хулоса олмаган ҳолда ўз ташаббусига кўра шахсий диний қарашларидан келиб чиққан ҳолда билдиргани маълум қилинган.

Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган текширув жараёнида Ҳожиакбар Носировга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184-3- (миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш) ва 194-моддаларига (ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик) асосан маъмурий баённома расмийлаштирилган.

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур тумани суди томонидан уга нисбатан 8 апрел куни 15 сутка муддатга маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

Ўтган йилнинг 23 январь куни Ижтимоий тармоқларда “Dili me” тахаллуси билан танилган блогер



Дилшод Ўрозбоев шериклари билан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимай, исми ошкор қилинмаган фуқарони уриб, тан жароҳати етказган. Мазкур ҳолат юзасидан Яшнобод туман прокуратураси томонидан Жиноят кодексининг 277-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган.

Жиноят иши бўйича гумонланувчи бир неча маротаба чақиртирилишига қарамай, терговга келишдан буйин товлаб

келган. Шу сабабли унга нисбатан қидирув эълон қилинган.

Олиб борилган тезкор қидирув ҳаракатлари давомида блогер 10 март куни ушланиб, терговга жалб қилинган. Дилшод Ўрозбоев маълум муддат ўтгач, озод этилиб, оиласи бағрига қайтган.

2023 йил 27 январда Human.uz сайтининг директори Хуршид Далиев ва таҳририятнинг бошқа ходимлари офисидан олиб кетилган.

Олий суд Kompromatuzb Telegram-канали билан боғлиқ жиноят иши юзасидан суд ҳукми эълон қилингани ҳақида хабар берди:

26 сентябр куни жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судида суднинг раиси Т. Обидов раислигида биринчи инстанция судида Х. Д. (1984 йилда Андижон вилоятида туғилган), С. Х. (1983 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган), А. А. (2004 йилда Андижон вилоятида туғилган) ва М. М. (аёл, 1973 йилда Андижон вилоятида туғилган) га оид жиноят ишини кўриб чиқиш бўйича ёпиқ суд жараёни тугаб, суд ҳукми эълон [қилинди](#).

**Хуршид Далиев 7 йил, Сиёвуш Ҳоўимов 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Аҳмадулло Аҳмаджоновга 3 йил ва Мавжуда Мирзаевага 5 йил озодликни чеклаш жазоси берилди.**

«Anorbank» 2022 йил ноябрида «ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилгани учун» Sof.uz нашри устидан судга даъво киритган эди. 2023 йил 5 апрел куни Тошкент туманлараро иқтисодий судида ушбу иқтисодий низо якунига етди. Суд Sof.uz нашрига банк фойдасига 3,7 млрд сўм миқдорида зарар тўлашга қарор чиқарди.



Албатта, банк томонидан оммавий ахборот воситаси судга берилиб, жуда катта жарима ёки зарарни қоплашга мажбур қилинишини ҳеч нарса билан билан оқлаб бўлмайди. Оммавий ахборот воситаси банк эмас, уларда бу қадар катта сумма бўлмайди. Катта эҳтимол билан «Sof.uz» сайти

таъсисчиси «Komil unsur» МЧЖ ушбу маблағни тўлай олмасдан ёпилиб кетади.

Блогер Олимжон Ҳайдаров июль ойида товламачиликда айбланиб Қўқонда ҳибсга олинди. Ҳайдаров Жиноят кодексининг 139-моддаси (туҳмат) 2-қисми, 3-қисми «а» банди, 140-моддаси (ҳақорат қилиш) 3-қисми «а» банди ва 165-моддаси (товламачилик) 2-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилди. Унга 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланди.



28 декабр куни Фарғона вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ҳукми кучда қолдирди.

Журналист Абдуқодир Мўминов ҳам товламачиликда айбланиб, 8 феврал куни қамоққа олинган эди. 4 август куни Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри Миробод тумани суди «[Ko'zgu](#)» YouTube канали муаллифини шахсий дахлсизликни бузиш, товламачилик, фирибгарлик, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, пора беришда иштирокчиликда айбдор деб топган. Бунинг учун у 3 йилга журналистик фаолият билан шуғулланиш тақиқланган ҳолда 7 йилу 3 ой қамоқ жазосини олган.



Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри судининг апелляция инстанцияси Абдуқодир Мўминовга нисбатан ҳукми ўзгаришсиз қолдирди.

Журналист Анора Содиқова 8 февраль куни Facebook тармоғидаги саҳифасида бундан бир неча кун аввал Rost24 нашрида эълон қилинган Epsilon компанияси фаолияти тўғрисидаги материал ортидан босимга учраётганига ишора қилувчи хабар қолдирди.

"Биз ёпиламиз шекилли. Қуйидаги материал менинг сўнги материалим бўлиб қоладиган кўринади. Ёрдам сўраган одамларим жим. Ўзбекистонда журналистика қилиш мумкинми? Бу савол мен учун очиқ қолмоқда", дея ёзган журналист кейинроқ ўчириб ташлаган постида.



Бу пост қўйилишидан бир неча кун аввал Rost24 нашри Youtube каналида эълон қилинган "Epsilon — Ўзбекистон ер ости бойликларини ўзлаштираётган компания ортида ким бор?" номли видеода журналист Анора Содиқова ширкат фаолияти қанчалик шаффоф эканини савол остига олганди.

"Халқимизнинг энг бой конларига шерик бўлаётган Epsilon Development Company фирмасининг сирли таъсисчилари ким? Офшор ҳудудда рўйхатда ўтган Epsilon DC компаниясининг асл таъсисчиси балки ўзимизнинг қоракўзлардир? Нима учун келиб чиқиши шубҳали бўлган компанияга Ўзбекистоннинг бешта конида геологик-разведка ишларини олиб боришга рухсат берилган?" каби саволлар видео давомида ўртага ташланган.

Шунингдек, видеода Анора Содиқова Ўзбекистон ҳукумати "келиб чиқиши шаффоф бўлмаган" мазкур компанияга қайси асосда лицензия берганини ҳам сўроққа тутган. Шундан кейин ўша видео ва унга бириктирилган мақола Rost24 сайти ҳамда нашрнинг барча платформалардаги саҳифаларидан ўчириб ташланди.

Анора Содиқова 2022 йилнинг апрель ойида ҳам тадбиркор Жаҳонгир Усмонов ҳақидаги мақолани таҳдид ва босимлар остида олиб ташлашга мажбур бўлганини маълум қилди.

26 май куни ижтимоий тармоқда Яккабоғда яшовчи блогер Элмурод Одилов тумандаги пилла пунктида ИИБ ходимлари томонидан қаттиқ калтаклангани ва бўлимга олиб кетилди.

Daryo.uz нашри блогер ҳоким бошчилигидаги масъулларнинг пилла, сафарбарлик чақируви ва солиқ масалаларига бағишланган йиғилишни ёритишга урингани ҳақида ёзди.



"Уриб телефонларини синдириб ташлашди. Ўша ерда турганлар воқеани телефонига олди. Дарвозадан олиб чиқиб ураётгани, судраб, телефонларини синдираётгани ўша ердаги камерага ҳам тушган бўлиши керак", дея манбадан иқтибос келтирган нашр.

27 май куни ҳолат бўйича эълон қилинган Қашқадарё вилоят ИИБ ва Олий суд баёнотларида Одилов фермерлар ишига аралашиб, майда безорилик содир этгани ҳамда ҳокимият вакили талабларига бўйсунмагани таъкидланган.

13 июнь куни ўзига тайинланган маъмурий қамоқ жазосини ўтаб чиққан блогер видеомурожаа қилди ва 26 май куни пилла пунктида Яккабоғ туман ҳокими ва ИИО ходимлари томонидан калтакланганини иддао қилди.

**Nasafnews.uz нашри ҳамда 3 нафар блогер фаолиятини тугатди**



5 июнь куни асосан Қашқадарёда фаолият юритувчи Nasafnews.uz интернет-нашри ўз фаолиятини якунлаётганини эълон қилди. Шу билан бирга, нашр раҳбари ҳисобланмиш «[Капитан Каримов](#)» блоги муаллифи Умид Каримов ҳам ортиқ блогини юритмаслигини маълум қилди.

Бунинг ортидан яна икки нафар блогер [Отабек Артиков](#) ҳамда «[AvtoblogUz](#)» муаллифи Мақсуд Музаффаров фаолияти ниҳоясига етганини хабар қилди.

Мазкур ҳолатлар блогер Умид Каримов ва Мақсуд Музаффаров 29 май куни МЖТКнинг турли моддалари бўйича ҳуқуқбузарлик содир этган деб топилиб, 5 суткага қамалганидан кейин улар юқоридаги қарорини эълон қилишди.

\*\*\*

Ўзбекистон ҳукуматига сўз эркинлиги ва плюрализмни таъминлаш учун тавсиялар:

1. Сўз эркинлигининг фундаментал асосларини яратиш: Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот Кодекси”ни такомиллаштириш ва оммавий ахборот воситаларига давлат аралашувини камайитириш;
2. Интернет эркинлигини таъминлаш: блокланган, давлат ва жамият хавфсизлиги учун реал хавф туғдирмайдиган сайтларни таъқиқдан чиқариш;
3. Фуқаролик жамияти институтлари ва сиёсий партияларга эркинликлар бериш: “ННТлар Кодекси”, “Сиёсий партиялар ҳақида”ги Қонун ҳужжатларини “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Пакт”га мослаштириш;
4. Электрон ва босма нашрларни рўйхатга олишни соддалаштириш. Журналистик фаолиятни ҳимоя қилишга оид қонунларни такомиллаштириш.

## Диний эркинликлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлар қўмитаси маълумотига кўра, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатда 2 131 та масжид ва 197 та ноисломий диний муассасалар мавжуд. Маълумотларга кўра, аҳолининг 88 фоизи сунний мусулмонлар ( уларнинг аксарияти ҳанафий мазҳабига мансуб), тахминан 0.03 фоизи эса Бухоро ва Самарқанд вилоятларида жамланган жаъфарий мазҳабидаги шиалардир. Аҳолининг тахминан 1,9 фоизини рус православлари ташкил қилади,

Норасмий маълумотларга кўра, аҳолининг қолган 1,5 фоизини Рим католиклари, этник корейс насронийлари, баптистлар, эвангелист христианлар, лютеранлар, еттинчи кун адвентистлари, Иегова гувоҳлари, буддистлар, баҳойлар, кришнадлар, атеистлар сингари кичик жамоалардан иборат.



Дин ишлари қўмитасига кўра, аҳоли орасида Ашкенази ва Сефардик (Бухоро) аралашмаси – 5420 киши бўлиб, уларнинг тақрибан 3500 ашкеназий ва 2000 дан кам бухоролик яҳудийлар мавжуд. Улар асосан Бухоро, Самарқанд ва Фарғона водийсида яшайди. 2023 йилда Ангрен шаҳрида католик черкови давлат рўйхатидан ўтказилди.

Конфессиялар вакилларининг 50 дан ортиқ республика ва халқаро тадбирларда иштироки таъминланган. Шунингдек, уларга давлат томонидан 14 та диний байрамларини ўтказишда амалий ёрдам кўрсатилган.

2023 йилги Ҳаж мавсумида 15 150 нафар зиёратчи ҳаж ва Умра зиёрати даврида 43 мингдан ортиқ зиёратчилар бу амални бажаришга муваффақ бўлишган.

\*\*\*

### **Ўзбекистон диний эркинликлар борасида “қора рўйхат”га кирмади**

2023 йилнинг 4 январь куни АҚШ Давлат департаментининг расмий сайтида ўтган 2023 йил натижаларига кўра эълон қилинган расмий баёнотда Ўзбекистоннинг “Махсус кузатувдаги мамлакатлар” рўйхатига киритилмаган. Ўзбекистон мазкур рўйхатдан 2020 йилда чиқарилганди.

АҚШ давлат департаменти томонидан ҳар йили “Халқаро диний эркинлик” тўғрисидаги қонунга дунё мамлакатларининг қай даражада амал қилиб бораётгани мониторинг қилиб борилади. Диний эркинлик борасида ижобий ўзгаришлар амалга оширилмаган мамлакатлар “Махсус кузатувдаги мамлакатлар” рўйхатига киритилади.

“1998 йилда Халқаро диний эркинлик тўғрисидаги қонун қабул қилинган ва кучга кирганидан бери дин ёки этиқод эркинлигини таъминлаш АҚШ ташқи сиёсатининг асосий мақсади бўлиб келган.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда Бирма, Хитой Халқ Республикаси, Куба, КХДР, Эритрея, Эрон, Никарагуа, Покистон, Россия, Саудия Арабистони, Тожикистон ва Туркменистон каби давлатлар диний эркинликнинг ўта жиддий бузилишига йўл қўйганликлари учун алоҳида ташвишли давлатлар сифатида баҳоланди.

Бундан ташқари, Жазоир, Озарбайжон, Марказий Африка, Қамар ороллари ва Вьетнамни диний эркинликларнинг жиддий бузилишида иштирок этаётгани учун махсус кузатув рўйхатига киритилган”, — деди АҚШ давлат котиби Энтони Блинкен.

\*\*\*



## БМТ мулозимининг Ўзбекистонга ташрифи

БМТнинг диний эркинликлар бўйича махсус маърузачиси мандати тугаётган Аҳмад Шаҳид 3 кун мобайнида Ўзбекистонда бўлди. Аҳмад Шаҳид ташрифи давомида “Эзгулик” жамияти офисида фуқаролик жамияти вакиллари, адвокатлар ва блогерлар билан учрашди.



Шунингдек, АҚШ элчихонасида мамлакатимиздаги диний эркинликлар вазияти бўйича ҳисоботини эълон қилди. Ҳисобот 5 йиллик даврни ўз ичига олади ва унда соҳадаги ютуқ ҳамда камчиликлар тилга олинади.

Мулозим Ўзбекистонга 2018 йилда келган ва Жаслиқ лагерини ёпишни тавсия қилган. Ўзбекистон ҳукумати бу тавсияни амалга оширди. Айрим тавсиялар чала бажарилган, уларнинг айримлари бажарилиш жараёнида.


Мальдив ватандоши бўлган Аҳмад Шаҳид ўтган йилнинг 1 августида БМТдаги ваколатини топширди ва ҳозирда Британиядаги инсон ҳуқуқлари ташкилотларидан бирида фаолият олиб бормоқда.

\*\*\*

## Диний эркинликлар эволюцияси

Ўзбекистон – нафақат Марказий Осиёда, балки бутун бир пост-совет ҳудудидаги энг катта мусулмон жамияти ҳисобланади. Собиқ СССР қулаган 1991 йилда, Ўзбекистоннинг аҳолиси энди 20 миллионга етган эди. Бугунга келиб, Ўзбекистоннинг аҳолиси, Давлат Статистика қўмитасининг доимий мониторингларга таяниб берадиган маълумотларига кўра, 36,5 миллиондан ошмоқда.

Кўплаб репрезентатив социологик тадқиқотларга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг тахминан 98-98% «Худога ишонишни» айтиди, яъни, эътиқод қилувчилар ҳисобланади. Шунингдек, аҳолининг тахминан 89-92% аҳолиси ислом динининг суннийлик мазҳаблари доирасида эътиқод қилиши айтилади.



Ҳалқаро ташкилотларнинг кузатишларига кўра, дунё мусулмонларининг умумий аҳолиси тахминан 1,8 миллиард тортиб, салкам 2 миллиардгача бориши билдирилади. Ўзбекистон, ўзининг мусулмон аҳолиси улۇши билан, мусулмон дунёсида иккинчи ўнталikka кирувчи давлат ҳисобланади.

Ислом дини – Ўзбекистон жамиятида энг кенг тарқалган, ва айни пайтда, давлатдан мустақил ҳисобланувчи ўзлик ҳисобланади. Яъни, ўзбекистонликларни энг муҳим ўзликларини аниқлаш мақсадида, «сиз энг аввало, ўзингизни ким деб ҳисоблайсиз: миллатингиз вакилими еки динингиз вакилими?» деган саволга, кўплаб социологик тадқиқотларга кўра, респондентларнинг 60%дан ортиқроқ қисми «мен ўзимни аввало мусулмон ҳисоблайман» деб ҳисобласа, яна тахминан 20%дан ортиқроғи «мен учун бу икки ўзлик - ажралмасдир» деган қарашга эга.

Ўзбекистон – тарихий жараёнларга кўра, пост-атеистик жамият. 36 миллионлик ўзбекистон жамияти, 70 йиллик агрессив атеизм босими остида яшади. Лекин, мустақилликка эришгач, жамият жуда катта эйфорей билан, диний ўзликни, диний институтлар ва жараёнларни тиклашга мисли кўрилмаган шижоат кўрсатти.

Қиёслаш учун: жамиятнинг бирон бир қисми собиқ СССР даврида эришилган «ижтимоий тенглик», «ижтимоий ҳимоя» ва бошқа муҳим қадриятларни талаб қилиб, қандайдир норозилик тадбирлари еки қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатлари уюштирмади. Бироқ, жуда қисқа фурсатта, диний мотивлар номи билан асосланган қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатлари пайдо бўлди, диний мотивлар билан терактлар уюштирилди.

Ҳар бир давлатда ўзига хос зиддиятлар, конфликтлар чизиғи еки чизиқлари бўлади. Мисол учун, ривожланган ғарб давлатларида, давлат еки жамиятдаги конфликтлар чизиғи, сиёсий мафкуралар – ўнлар ва сўллар, сиёсий партиялар, еки ирқий ўзликлар ва бошқа омиллар атрофида бўлинган бўлади. Еки, қўшни Афғонистонда, афғон жамиятидаги энг туб ва фундаментал конфликт чизиғи «этник пуштунлар ва бошқалар» деган ўзлик атрофида эканлиги кузатилади. Яъни, Афғонистондаги «диний ва дунёвий омил», нисбатан, иккиламчи ва юзакироқ омил эканлиги, тадқиқотчилар томонидан кўп айтилган. Қўшни Қирғизистонда эса, «шимол ва жануб» омили бор: ушбу давлатнинг сиёсий элитаси, ўзларининг сиёсий стратегияларини шакллантиришда, ушбу омилга кўз юма олишмайди.

Хўш, Ўзбекистондаги яқин ўтмишдаги энг асосий конфликт чизиғи нима омил еки ўзан атрофида кечади? Бу саволнинг жавоби осон. Ўзбекистонда, 1991-2016 йиллардаги энг асосий конфликт чизиғи – бу давлатнинг, яъни ҳокимиятнинг дунёвий қарашлари ва жамиятнинг диний эҳтиёжлари ўртасидан ўтади. Ислом Каримов маъмурияти Ўзбекистонни «дунёвий, модерн» давлат қилишни истарди. Лекин, муаммо шундаки, И.Каримов ва унинг маъмурияти «дунёвийликни» «диндан узоқ бўлган ҳолат» деб талқин қилар эди.

Ушбу фикрни исботлаш учун, қуйидаги инкор қилиб бўлмас фактларни келтириш kifоя.

Биринчидан, пост-совет ҳудудида, ҳалқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотларининг таъбири билан айтганда «сиёсий мотивлар билан қамалган» (политзаключенные) махбусларнинг энг катта улуши, айнан Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келар эди. Кўплаб ҳалқаро ҳуқуқ ташкилотларининг кўп йиллик ҳисоботлари натижасида шаклланган тасаввурларга кўра, Ўзбекистонда, 90-чи ва 2000-йилларда, тахминан 15-16 мингдан ортиқ «сиёсий махбуслар» борлиги айтиларди. Шундан, тахминан 95% махбуслар, айнан «диний-сиёсий махбуслар» эканлиги, шубҳа остига олинмас эди.

Иккинчидан, давлатнинг расмий ахборот сиёсати, мафкура сиёсатида ҳам «диний экстремизм» ва «терроризм»га бағишланган улуш шу қадар катта эдики, бамисоли, Ўзбекистон давлати ҳуди фуқаролик урушига тайёрланаётгандек тасаввур уйғонар эди.

Учинчидан, давлат диний институтлар ва жараёнларни шу қадар қаттиқ, тотал назорат қилишни ўзининг энг устувор вазифаси деб билган эдики, бундай қаттиқ назорат, кўпроқ тоталитар давлатларга хосдир.

Тўртинчидан, давлат «диний экстремизм ва терроризм» билан курашишга шу қадар катта энергия ва ресурсларини сарфлар эдики, натижада, Ўзбекистон ҳокимиятининг глбал репутацияси мисли кўрилмаган даражада салбийлашган эди.

2016 йилда Ўзбекистонда ҳокимият ўзгаиб, олдинги маъмуриятнинг дин ва виждон эркинлиги борасидаги ўта радикал ва деструктив сиёсати жиддий танқид остига олинди. Президент Мирзиёев «стаблани ҳам қамаш сиёсати» нотўғри бўлганлигини урғулади, «қора рўйхатлар»дан воз кечилганлигини айтди.

Ўзбекистонда, ҳокимият ўзгариши биланоқ давлат томонидан олиб борилаётган репрессив сиёсат тўхтади. Лекин, айна пайтда, олдинги репрессив сиёсат мазмунан анланган ва жамиятга тушунтирилган янги сиёсат билан алмаштирилмади. Эски репрессиялар сиёсати тўхтатилиши фониди, ижтимоий фикр, айнақса, давлат мулозимлар ва институтларида, ҳалига қадар виждон ва дин эркинлигининг фалсафаси, механизмлари, стандартлари борасидаги тафаккур шаклланиши йўқ.

Айна шунинг учун ҳам, бугун Ўзбекистон давлати ва жамияти ўртасида, «дунёвийлик» борасида, олдинги маъмурият давридаги каби шиддатли ва агрессив бўлмаси-да, маълум зиддиятлар ва муаммолар тез-тез кўзга ташланмоқда.

\*\*\*

### **Давлатнинг дин борасидаги сиёсати: мақсад ва вазифалар**

Ҳар бир давлатда ҳуқуқ ва эркинликларга нисбатан шаклланиши тарихий-сиёсий эволюция мавжуд бўлади. Ўзбекистон – пост-тоталитар давлат. Биз 20 аснинг охириги ўн йиллигига қадар, СССР аталмиш дунёдаги энг катта мафкуравий тоталитар давлатнинг таркибий қисми бўлдик. Унга қадар ҳозирги ўзбек жамияти учта хонлик даврини бошдан кечирган бўлиб, бу давр ҳам ҳуқуқ ва эркинликлар борасида, фақат салбий ном қолдирган ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақил бўлган, пост-тоталитар давлат сифатида, қаттиқ авторитаризмдан чиқа олмади. Янги мустақил давлат ва унинг биринчи элитаси тафаккурида демократик, ҳуқуқий қадриятлар жуда заиф эди. Шунинг учун ҳам, мустақил Ўзбекистон, давлат сиёсатини амалга оширишда, пост-тоталитар инерцияга кўра, жамиятни эркин ишонтириш орқали эмас, балки репрессив усуллар орқали маҳрум қилиш, мажбурлаш усуллари билан бошқарди.

Жумладан, давлатнинг виждон ва дин эркинлиги борасидаги сиёсати ҳам, муттасил халқаро танқидларга учраб келди. Аслида, 1991-2024 йилга қадар бўлган, давлатнинг дин борасидаги сиёсатини бир қанча даврларга бўлиши мумкин. Бу даврлар, давлат ва жамиятнинг виждон эркинлиги, диний эркинликларнинг ҳажми билан фарқланиб туради.

1991-98 йилларда, янги мустақил бўлган Ўзбекистон давлатидаги диний муҳит, анча эркин ва эйворея билан тўйинган давр эди. Бу даврда Ўзбекистон жамияти ўзининг собиқ иттифоқ даврида муттасил бостирилган диний қадриятлари ва эҳтиёжларини фаол тиклаш, “исломий ўзлик асосида турмуш тарзини шакллантириш” эйвореяси билан яшаётган бир давр эди. Мустақиллик даврининг илк йилларида, ҳокимият бу борада жамият билан имкон қадар ҳамнафас бўлишга, жамиятга диний эркинлик беришга ҳаракат қилди.

Лекин, бу даврнинг иккинчи ярмига келиб, олий ҳокимият, “жамиятни диндорлаштиришнинг стратегик оқибатлари хавфли бўлиши мумкин” деган қарашга яқинлашаётган эди. 1992 йилда Наманган воқеалари, 1997-98 йилларга келиб расман рўйхатдан ўтган 8 мингдан ортиқ масжидлар ва яна кўп минглаб норасмий, жомеъ бўлмаган масжидлар мавжуд эди. Бу даврда, жамиятнинг маълум қатлами ва давлат ўртасида кўплаб ўта жиддий зиддиятлар, қалтис тўқнашувлар юз беради. Натижада, ҳуқумат “эркинлик – Ўзбекистон шароитида жамиятнинг диндорлашувига, диндорлашув – радикаллашувига, радикаллашув – регрессияга ва модерн ҳамда дунёвий давлатчиликнинг демонтаж қилинишига олиб келади” деган хулосага келди.

Кейинги давр 1998-2005 йилларни қамраб олган бўлиб, бу даврда Ўзбекистон давлатчилигида “виждон ва дин эркинлиги” ҳақида ҳеч қандай гап-сўз бўлиши мумкин эмас эди. Бу даврда, Ўзбекистон давлатчилиги, ўзини тўлиқ “диний экстремизм ва у билан боғлиқ бўлган терроризм” билан курашишга бағишлаган эди.

Реал воқеъликда эса, давлат, “диний экстремизм ва терроризм” билан курашиш номи остида, жамиятнинг диндорлик даражасини имкон қадар паст ушлаб туришни ўзининг энг устувор вазисафси сифатида кўрар эди. Яъни, ҳокимиятнинг комплекс сиёсати, одамларнинг виждоний ва диний эркинликларини таъминлашга қаратилган эмас, аксинча, ҳалқаро ва миллий қонунчилик ҳамда стандартларни ўта қўпол бузиш орқали, жамияни имкон қадар диний тафаккури ва фаоллигини пасайтириш сиёсати олиб борилди. Шў мақсадда, Ўзбекистоннинг асосий профил қонунчилиги қаттиқлаштирилди, диний ташкилотлар сони кескин қисқартирилди, диний-сиёсий мотивлар билан қамаш сиёсати кескин кучайтирилди.

Бир сўз билан айтганда, давлатнинг дин борасидаги сиёсати репрессив ўзганга тўлиқ ўтган эди. Ва бу сиёсат, ташқи майдонда кечаётган баъзи глобал жараёнлар билан қисман уйғунлашган эди. Мисол учун, 11 сентябрь воқеалари ва ғарб давлатларидаги “глобал террор билан курашиш” сиёсати, Ўзбекистоннинг биринчи маъмурияти нигоҳида, бу борадаги миллий сиёсатни легитимлаштирувчи омил сифатида қабул қилинади.

Учинчи давр, 2005-16 йилларни ўз ичига қамраб олади. Бу даврда, давлатнинг ахборот сиёсатида “диний экстремизм ва терроризм” ҳақида гапириш, сон жиҳатидан камаяди, лекин, давлат тафаккуридаги “исломophobia” даражаси, мисли кўрилмаган даражада кристаллашади.

Бунга сабаб – 2005 йил май ойида юз берган Андижон воқеалари ҳисобланади. Айнан шу воқеадан кейин, давлатда “жамиятнинг дин билан боғлиқ сабр косаси тўлган кўринади, экстремизм ва терроризм риторикасини камайтириш керак, лекин, назоратни янада кучайтириш керак” деган қараш устувор бўлади.

2016 йилда Ўзбекистон олий ҳокимияти ўзгариши, давлатнинг виждон ва дин эркинлиги борасидаги сиёсати мутлақ ўзгаришига сабаб бўлди. Янги ҳокимият янги сиёсий ва ҳуқуқий консенсусга имконият берди. 2016 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда диний соҳадаги оммавий, тизимли репрессив сиёсат тўхтатади.

Айни пайтда, 2016-24 йилларни ўз ичига қамраб олувчи энг янги даврни ҳам, шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин. 2016-20 йилларда Ўзбекистонда виждон ва дин эркинлиги жуда динамик бир шаклда кенгайди, ривожланди. Давлат институтлари ва мулозимлари, 2016 йилга қадар содир этилган репрессив сиёсатни қаттиқ танқид қилди ва бу сиёсатдан масофа сақлашга интилишди. Бу даврда Ўзбекистон жамияти ўзи учун муҳим ва керакли ҳисоблаган диний эҳтиёжларини анча эркин қониқтиришга эришиб бошлади. Жумадан, Қуръон дарслари, диний кўрсатувлар сони ва салмоғининг ошиши, масжидлардаги нисбатан эркин хутбалар, мустақил диний ўқув масканлари очилиши ва фаолияти ва бошқаларни кузатиш мумкин эди.

Бироқ, кейинги уч йилда, давлат институтлар ва мулозимлари, биринчи маъмурият даврида шаклланган “жамиятнинг диндорлик даражасини пасайтириш сиёсати”га оғишув, мойиллик кузатилади.

2021 йилнинг ўртасида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинади. Бу таҳрир, унга қадар амал қилиб келган 1998 йилги таҳрирга нисбатан, бир қанча нуқталарда, сезиларли либерал ва ҳалқаро стандартларга яқинлашишга интилган норматив ҳужжат сифатида баҳоналади. Бироқ, амалиётда эса, бу Қонуннинг реал ижроси у қадар кўзга ташланмайди. Қолаверса, бутун бир совет даври ва 2016 йилга қадар бўлган қаттиқ авторитаризм даври да шаклланган сиёсий тафаккур, инерцияга кўра сақланиб қолмоқда.

Бугун, давлат ўз тафаккурида икки нуқтага алоҳида эътибор бермоқда. Бир томондан, репрессив сиёсатга мурожаат қилиш – Янги Ўзбекистоннинг стратегик манфаатларига қаттиқ зарба беради. Иккинчи томондан эса, давлат ҳали виждон ва дин эркинлигини реал таъминлаш борасида, концептуал тафаккурга, тажрибага эга эмаслиги сабаб, юмшоқроқ воситалар билан бўлсада “диндорлик даражасини пастроқ ушлаб туриш” вазифасидан узоқлаша олмаяпти.

2021 йилдан бошлаб, Ўзбекистон бўйлаб фаолият олиб борган Қуръон курслари, диний билим бериш максанларининг кўплари аста-секин ўз фаолиятларини тўхтатиб бошлади. Бу жараёнлар, биринчи маъмуриятдаги каби, оммавий қамашлар ва жамиятни қўрқитиш кампаниялари орқали амалга оширилмади. Балки, анча сиёсий оҳисталик ва тадрижийлик сезилиб турди. Лекин, натижа шундан иборатки, кейинги йилларда 36 миллионлик Ўзбекистон жамиятининг диний билимларга бўлган эҳтиёжи, мамлакатнинг ўзида қондирилмасдан, бу эҳтиёж хорижга чиқиб кетиб бошлади.

Мисол учун, кузатишларга кўра, ўзбекистонлик мусулмон ёшлари араб тилини ўрганиш, исломий билимларни ўзлаштириш учун асосан икки хорижий давлатга чиқиб кетиши кузатилади. Бу – Туркия Республикаси ва Миср Араб Республикасидир. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, бу икки давлатда исломий билимларни ўрганиш мақсадида юрган жами ўзбекистонликларнинг сони беш мингдаш ошиши, ўн мингдан камроқ бўлиши мумкин.

Бугун Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида ўзбекистонлик мусулмон ёшларини ўқитишга ихтисослашган юзлаб ҳужралар, еки ўнлаб курслар фаолият олиб бормоқда. Бу курсларда асли ўзбекистонлик ўқитувчилар дарс беришади. Бу устозлар, ёшларни экстремистик ғоялар, ақидаларда узоқ тутишга қаттиқ ҳаракат қилиши айтилади. Лекин, масаланинг муаммоли тарафи шундаки, Ўзбекистонда давлатнинг дин борасидаги қаттиққўл сиёсати, фуқароларнинг ташқи дунёда билим олишга мажбур қилмоқда.

Бу билан, Ўзбекистон ичида диний билимлар олиш еки диний билимлар тарқатиш, диний муассаса ҳудудидан ташқарида эркин даъват қилиш, диний билимлар бера оладиган муассасалар жорий қилиш ҳалига қадар жиддий тўсиқларга учраётганини кўрсатади.

### **Диний эркинликлар борасидаги қонунчилик**

Ўзбекистоннинг диний соҳани тартибга соладиган қонунчилиги, Конституциядан, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги асосий регулятор Қонундан ва бошқа кўплаб қўшимча қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатлардан иборат.

Ўтган даврда, Ўзбекистоннинг диний соҳани мувофиқлаштирувчи асосий қонуни бўлмиш “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни, икки марта таҳрир бўлди.

Ушбу қонун 1992 йилда, совет қонунчилиги ва ҳалқаро қонунчилик андозаларини аралаштирган ҳолда, қабул қилинган эди. Бу биринчи таҳрирдаги Қонун, ҳалига қадар, кейинга таҳрирларга нисбатан “энг либерал”, “энг эркин” мақомида қолмоқда.

Маълумки, қонунлар ва ҳар қандай ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, ҳокимият томонидан пишиб етилган сиёсий консенсуснинг юридик ифодаланиши ҳисобланади. Шу маънода, Ўзбекистондаги диний соҳани тартибга солувчи қонунчилик, ҳокимиятнинг дин ва виждон эркинлиги борасидаги қарашларини жуда яхши очиб беради.



Демак, 1992 йилда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун, 1998 йил май ойига келиб қайтадан таҳрир қилинди. Ушбу таҳрирга кўра, диний ташкилотлар, яъни, масжидлар очиш бир неча барабар қийинлаштирилди. Прозалетеизм қонунан маън қилинди. Ва эътиқод қилувчиларга энг кўп машаққат келтирган, ҳамда, ҳалқаро стандартларни тўлиқ инкор этувчи “жамоат жойларида диний либосда/кўринишда юриш маън қилиниши” каби ноҳуқуқий талаблар киритилди.

1998 йилда қабул қилинган, ва мисли кўрилмаган репрессияларни ҳуқуқий асослашга ёрдам берган ушбу қонун таҳрири, 2021 йилнинг ўртасига қадар ишлаб келди. Ва 2021 йилга келиб, ушбу қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Энг охириги таҳрирга кўра, 1998 йилгисига нисбатан анча ҳуқуқий, нисбатан либерал талқиндаги Қонун қабул қилинди.

Мисол учун, 1998 йилги таҳрирдаги Қонунга кўра, диний ташкилот очиш учун, камида 100 нафар фуқаролар имзолари ва катта миқдордаги давлат тўловлари назарда тутилган бўлса, 2021 йилга келиб, 50 нафар фуқаронинг имзоси етарли қилиб белгиланди, ва давлат бюджетига тўланадиган тўловлар миқдори анча камайтирилди.

Ўтган 2023 йилнинг ўрталарида, энг охириги қабул қилинган таҳрирга икки йил тўлди. Ўтган икки йиллик вазият ушбу янги таҳрир призмаси орқали таҳлил қилинса, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин бўлади:

— Гарчи янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун, нисбатан анча либераллашган бўлсада, реал воқеъликда, на диний ташкилотларнинг сони жиддий ошмади, на диний эҳтиёжларнинг олдинги даврга нисбатан институтлашган эркинлашуви кузатилмади.

— Янги Қонун таҳририда, ҳалқаро стандартларга тўғри келмайдиган “прозелетеизмга йўл қўйилмаслиги”, диний муассасалар очиш борасидаги механизмларнинг ҳалқаро стандартлардан ҳали ҳам узоқроқ эканлиги ва бошқа ҳолатлар сақланиб қолди.

— Ўзбекистон бўйлаб, айниқса, вилоятларда мусулмон аҳоли томонидан қуриб битказилган еки қурилиши мўлжалланган жуда кўплаб, балки минглаб масжидлар ва бошқа диний муассасалар лойиҳалари мавжуд. Жамият фаолларида, 2021 йилда янги таҳрирдаги Қонун қабул қилиниши, давлатнинг дин ва виждон эркинлиги борасидаги сиёсатини, реал ўзгартиради ва жиддий

либераллашувига олиб келади, деган умидлар мавжуд эди. Бироқ, ушбу қонуннинг янги таҳрири қабул қилинганига икки йил тўлсада, бу соҳадаги эҳтиёткорлик ва давлатнинг қаттиққўл сиёсати, сақланиб қолмоқда.

— 2023 йилда Ўзбекистоннинг кўплаб минтақаларида, жумладан, пойтахт Тошкентда ҳам исломий мотивлар билан очилган ва жамиятнинг диний қатламларига “ҳалол” стандартлари асосида хизмат кўрсатадиган ресторанлари еки овқатланиш жойларида маълум муаммолар кузатилди. Мустақил ОАВ ёритилган маълумотлар оқимидан билинишича, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг норасмий босимлари остида, исломий-арабий номдаги овқатланиш жойларининг номларини ўзгартириш талаб қилинган. Натижада, жуда кўплаб овқатланиш муассасалари, ресторанлари ўз номларини ўзгартиришга мажбур бўлган. Биргина мисол, Тошкентнинг Чилонзор туманида жойлашган ва кўпчиликка яхши таниш бўлган “Ал-Фажр” исломий ресторани, шундай босимлардан сўнг, ўз номини “Фахр” деб ўзгартирган. Яна, исломий стандартлар асосида фаолият олиб борувчи овқатланиш пунктларида алкоголь сотиш ҳам талаб қилинган. Табиийки, ушбу талаблар Ўзбекистон миллий қонунчилиги ва ҳалқаро стандартларга тўғри келмайди. Бу каби амалиётлар, биринчи маъмурият даврида шаклланган тажрибани эслатиб, “жамиятнинг диндорлик даражаси билан курашиш сиёсати”ни эслатади.

— 2023 йил давомида энг шов-шувли бўлган муаммоли йўналишлардан бири – “нашидалар” муаммоси бўлди. Йил давомида, асосан ёшлар томонидан “нашидлар эшитганликда” айбланиб, 3-5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари қўлланилгани, кенг жамоатчиликнинг қаттиқ норозиликларига сабаб бўлди. Мисол учун, 21 ёшли Жаҳонгир Улуғмуродов номидан рўйхатдан ўтган телефонга уларган телеграмм орқали баъзи танишларига юборилган “жиҳодий” нашид иши, жамиятда катта резонанс берди.

Ҳуқуқшунослар ушбу ишнинг бир нечта нуқтасига эътибор беришди. 1) Жаҳонгир араб тилини билмаган, лекин бу нашид араб тилида бўлган. 2) Нашидларни эшитиш, ўзбек жамиятида “савобли бўлган диний амал” сифатида кўрилади, ва деярли барча, нашидларнинг чуқур маъно-мазмунига эътибор бермайди. 3) Агарки ҳатто нашиддаги хавfli чақириқларни англаганда ҳам, агар бу чақириқлар шахс томонидан бирон-бир тажовускор реал ҳатти-ҳаракатларга олиб келмаса, ҳалқаро тажрибада, бундай нашидларни тинглаш “жиноят” ҳисобланмайди.

Йил давомида, Ўзбекистон бўйлаб бир неча юзлаб “нашида эшитиш айби” билан кўрилатган еки кўрилган ишлар мавжудлиги маълум бўлди. Ўзбекистон қонунчилигига кўра, ҳар қандай диний-экстремистик чақириқни эшитиш ва тарқатиш, жиноий жавобгарликка асос бўлади. Лекин, р Ўзбекистон қонунчилиги ва суд-ҳуқуқ тизими бундай ишларни чуқурроқ таҳлил қилиб, “потенциал жиноятга қўл уришда шахснинг онги қай даражада иштирок этти?”, еки “шахснинг нияти нима эди?” деган оддий ҳолатларга жиддий эътибор бермайди. Ўзбекистонда кўрилатган ишлар, айниқса, диний мотивлар билан айбланса, мутлақ аксарият ҳолларда, айблов ҳулосали ва ҳукми билан тугайди.

Ўзбекистонда ва унинг атрофида кечаётган вижоний ва диний эркинликлар, чегаралар борасидаги бахслар, ҳуқуқий эмас, тўлиқ сиёсий характерга эга! Яъни, диний доиралар, давлат мулозимлари, журналистлар, фаоллар, асосан сиёсий позициядан туриб фикр билдиришмоқда. Улар учун, ўзларининг мойилликлари, маънавий-сиёсий қарашларини билдириш ва ҳимоя қилиш йўналиши бор ҳолос. Жумладан, Адлия вазирлиги, Дин ишлари қўмитаси ҳам, “виждон ва дин эркинлиги” қадриятларини сиёсий позициядан юқорироққа кўтарилиб, ҳуқуқий даражада эҳтироссиз, холис, тушунарли шарҳлай олишмаяпти.

Сабаби, Ўзбекистонда ҳали виждон эркинлиги, диний эркинликларни мантиғи, фалсафаси, тамойилларини тушуниш даражаси юқори эмас. Ўзбекистон давлатчилиги, ўтган даврда “дунёвий экстремизм” позициясида бўлиб келди. Давлат, дунёвийликни “жамият учун талаб” деб талқин қилиб келди. Аслида, ҳалқаро стандартларга кўра, дунёвийлик тамойиллари жуда яхши шаклланган бўлиб, “дунёвийлик – ҳокимиятнинг, маъмуриятнинг, давлат органлари ва мулозимларининг виждоний ва диний ишлардаги нейтраллиги” ҳисобланади.

Дунёвийлик тамойилларига кўра, инсонлар виждоний/диний эътиқодини эркин амалга ошириши кафолатланади. Давлат эса, мана шу эркинликларни ҳимоя қилади, ва фақат бир томон бошқа томонга тажовус қилиб бошлаганда, тажовусга мутаносиб равишда, ҳуқуқий муносабат билдиради. Ўзбекистон эса, жамиятнинг диндан узоқ бўлиши учун, мислсиз репрессиялар қилди. Бугун, нисбий диний эркинликлар сабаб, жамиятнинг маълум қатламларида кучли безовталиқ бор. Бу – психологик дискомфорт, лекин, реал муаммо эмас.

Ўзбекистонда виждоний-диний масалаларда бахс-мунозара бўлаётгани, жамиятдаги сиёсий муҳит ўзгарганлигини, ижтимоий тафаккурга эркинлик кириб келиб бошлаганлигини кўрсатади. Бундан кейин, Адлия вазирлиги, Дин ишлар қўмитаси ва бошқа давлат институтлари, мулозимлари, бу соҳадаги бахслар сиёсий тус олмаслиги учун, жамоатчилик фикрида саволларга ўрин қолдирмайдиган даражада, кенг ва тўлиқ ҳуқуқий шарҳ бериши керак бўлади. Бу каби масалаларнинг сиёсийлашуви – жамиятда зиддиятни ўрчитади, давлатни томонлардан бирини тарафига ўтишни тақозо қилади.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кондексига киритилган ўзгартиришлар бўйича, Ўзбекистонда жамоат жойларида шахсни идентификация қилиш имконини бермайдиган даражада юзни ёпиб юриш жавобгарликка сабаб бўлади. Маълум қилинишича, юзни ёпиб юрганлик учун белгиланган жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

тиббий кўрсатма асосида ҳаракатланаётган шахслар; меҳнат ва хизмат фаолияти билан боғлиқ ҳолатда ҳаракатланаётган шахслар; йўл-транспорт ҳаракатида хавфсизликни таъминлаш учун махсус бош кийим кийган шахслар; спорт ва маданий тадбирлар пайтида иштирокчи сифатида қатнашаётган шахслар ҳамда қонунчиликда руҳсат этилган бошқа ҳолатларда юзини тўсган ҳолда бўлиш ҳолати белгиланган.

Ўзбекистонда Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш киритиш ҳақидаги қонунга кўра, Ўзбекистонда икки ва ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшашни тарғиб қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Унга кўра, мамлакатда икки ва ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшашни тарғиб қилганлик, хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқчилигини очикдан-очик инкор этганлик учун маъмурий жавобгарлик мавжуд.

Амалдаги қонунларга киритилган бундай ўзгариш сўнги пайтларда республикада фақатгина диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳлар сони ва бунинг ортидан кўпхотинлик ҳолатлари ортиб бораётгани билан изоҳланган.

### **“Эзгулик” диний эркинликлар йўлида: фаоллар билимини ошириш**

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамияти ташкилот аъзоси ва сиёсатшунос Камолиддин Раббимов билан бирлагиқда, 2023 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида водийлик фаоллар учун Наманган шаҳрида,



жанубий вилоятлар учун Самарқанд шаҳрида, Тошкент вилояти ва пойтахтлик фаоллар учун Тошкент шаҳрида бир кунлик семинар-тренинг ўтказди.

Семинар-тренинглардаги марказий мавзу ва масала “Виждон ва дин эркинлиги” бўлиб, ушбу семинарлар жараёнида, бир қанча блоклардан иборат бўлган мавзулар ва масалалар ёритилди, иштирокчилар билан биргаликда тренинг шаклида интеллектуал муҳокама қилинди.

Биринчи блок – виждон ва дин эркинлиги: тушунчалар, ҳалқаро ва Ўзбекистондаги миллий қарашлар, ҳалқаро стандартлар, виждон ва дин эркинлигининг мантиқий фалсафаси, каби масалаларни қамраб олди.

Иккинчи блок – Ўзбекистонда виждон ва дин эркинлигини таъминлаш борасидаги тасаввурлар эволюцияси, мамлакатда шаклланган “жунёвийлик” тамойили ҳақидаги тушунчалар ва бу тушунчаларнинг ҳалқаро стандартларга нақадар мувофиқлиги масаласи;

Учинчи блок – Ўзбекистон ижтимоий фикридаги, миллий қонунчилигидаги ва ҳалқаро стандартлар ўртасидаги зиддиятларни муҳокамасига бағишланди.

Семинар жараёнида, виждон эркинлигининг фалсафаси, дунёвий давлатчиликнинг моҳияти ва диний эркинликлар борасидаги ҳалқаро стандартлар тушунтирилгач, ҳуқуқий-демократик давлатларда шаклланган суд-ҳуқуқ тизимида юзага келган коллизиялар мисолида, виждон ва дин эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш борасида фикрлаш алмашилди.

“Эзгулик” жамияти аъзолари семинарда жуда фаол иштирок этишди. Ҳар бир жамият аъзосининг бой ҳаётий тажрибаси, ушбу мавзунинг Ўзбекистон жамиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги энг муҳим ва оғир масала эканлиги, муҳокамаларни, фикр алмашишни ниҳоятда қизғин бўлишига сабаб бўлди.

Семинарнинг бошланғич қисмида сиёсатшунос томонидан тайёрланган ва 11 саҳифадан иборат PowerPoint дастури орқали тайёрланган “Эътиқод эркинлиги ва дунёвий давлатчилик” номли презентация намойиш этилди ва бу жараёнда жонли мулоқот ҳамда баҳслар амалга оширилди.

### **Ўқув машғулотида олинган билим ва кўникмалар**

Ўзбекистон шароитида ҳалига қадар ҳаттоки жуда малакали ва фаол бўлган инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ҳам, адвокатлар ва юристлар ҳам, ҳалқаро андазалардаги виждон ва дин эркинлиги стандартлари билан профессионал даражада таниш эмас. Бунинг сабаби – давлат томонидан ушбу йўналишдаги фаолият деярли кўзга ташланмаслиги ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик давлатчилик яратилишининг фундаментал шarti – ҳалқаро стандартлардаги дунёвий давлатчилик шакллантиришдир. Яъни, аҳолисининг мутлақ аксариятини мусулмонлар ташкил қиладиган Ўзбекистонда, реал сиёсий ислохотларга, глобаллашган даврга, ҳуқуқий давлатчиликка тайёрланишнинг муҳим шarti – жамият ўзининг диний эҳтиёжларини эмин-эркин амалга ошира олиши ва бошқа дин еки қарашдаги шахсларни ҳурмат қилиш малакаси-маданияти шаклланиши ҳисобланади;

Ўзбекистон давлатчилигида ҳам, жамиятда ҳам “дунёвий давлат” борасидаги тасаввурлар жуда маргинал ва бир ёқламалигича қолмоқда. Аксарият аҳоли, ва энг аввало, давлат мулозимлари ва институтлари “дунёвийлик” тамойилини “ҳокимият институтлари, ҳокимият ва давлатнинг нейтраллиги” деб эмас, жамиятга талаб сифатида “одамларнинг имкон қадар динийликдан нейтраллиги, узоқлиги” деб талқин қилинади.

Бахслар жараёнда Ўзбекистон жамиятида юз бераётган ҳуқуқий ва сиёсий эволюция, жумладан, жамиятда диний бағрикенглик феномени шаклланаётганлиги ҳам билдирилди. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон жамиятида, диний соҳада маълум гармония мавжуд еки мана шундай гармонияга интилиш кузатилади. Бироқ. Бу гармониянинг асосида, жамият ва давлат муносабатлари ўртасидаги ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий муносабатлар эмас, балки жамиятдаги диний бағрикенгликни англаш ва қадрлаш мавжуд юқанлиги билан ифодаланади.

Айни пайтда, Ўзбекистон жамиятида, диний қарашлар билан боғлиқ бўлган конфликт потенциали, ҳар доим мавжуд. Бунинг сабаби, аҳолисининг аксарият қисмини мусулмонлар ташкил қиладиган Ўзбекистон жамиятида, ислом дини – “ижтимоий адолат мафкураси”, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи тизим еки қоидалар мажмуаси сифатида кўрилиши айтилди. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон жамиятида, аҳолининг маълум қисми ҳуқуқий парадигма доирасида фикрласа, бошқа қисми диний парадигмадан келиб чиқиб, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини инкор этадиган қатламнинг мавжудлиги билан ифодаланади.

Ўзбекистоннинг турли йирик шаҳарларида ўтказилган семинар шуни кўрсаттики, “Эзгулик” инсон ҳуқуқлари жамиятининг фаоллари жамиятнинг виждон ва диний эркинликларини англаш ва таъминлаш борасидаги энг пешқадам қатлам сифатида, ўзларининг назарий билим ва тажрибаларини янада бойитишди. Сабаби, фаолларнинг ҳар бир масалага, ўта катта иштиёқ билан ёндашаётгани аҳамиятли эди.

\*\*\*

### **Диний ақидапарастлик: хирургиядан ўзга чора йўқми?**

Фарғона вилоятининг Учкўприк туманидаги “Зафар” клубининг 19 яшар футболчиси Комилжон Йўлдошалиев шу йилнинг 14 апрелида қамоққа олинди. 304051/2023-362-сонли жиноят иши юзасидан тузилган айблов хулосасига кўра, Комилжоннинг телефонидан нашида ва диний экстремизмга оид материаллар топилган.

Комилжон террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244/1-моддаси 3-қисми “г” бандида кўзда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланмоқда. Жиноят иши материалларини ўрганишимиз давомида айнан шу жиноят иши доирасида яна кўплаб ёшлар қамалишини мумкинлигига амин бўлдик.

Наҳотки нашид ва экстремистик материаллар ортидан ёшларни қамашдан бошқа чора йўқ? Ҳали яшашнинг маънисини англаб етган-етмаган ёшларнинг ҳаётини қамоқхонадан бошлаши жамиятга ҳеч бир жиҳатдан фойда келтирмайди. Ёшларнинг радикаллашуви жараёнинини таҳлил қилиш керак. Вазиятни ўрганиб, қонунчилик ва қонунларни қўллашда самаралироқ тўхтамага келиш зарур.

Ҳолбуки, шу пайтга қадар ёшлар орасида диний радикализм ғояларининг авж олиши таҳлиliga доир бирор телекўрсатув ва дастурлар кўрмадим. Бирор конференция ва тадбирларда жўялироқ фикр ўртага ташланмади. Ёшлар ишлари агентлиги, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати сингари миллий институтларнинг чиқишларига кўзимиз тушмади. Бу кетишда нима бўлади?.. Фикри ожизимизча, ҳукумат мутаассибликка мойил шахсларни қамаб тугатаман деса, янглишади. Муқобил чоралар ўйлаш керак. Экстремизмга қарши кураш стратегиясини ишлаб чиқиш зарур.

\*\*\*

Қонуний таъқибда парадокс

Наманган вилояти ИИБ шу йилнинг 30 августида никоҳ тўйида араблар либосидан фойдаланган бир йигитни жаримага тортибди. Уни исломий тўй қилганлик, тўйига диний тус берганлик, таргиботда айблаган. Йигитнинг арабча кийингани, келинни араб либосида олиб келгани танқид қилинган.

Бундан бир неча кун аввал таниқли хонанда Муниса Ризаева турмушга чиқаётиб, ҳиндча тўй қилганди. Ижтимоий тармоқларга кўра, ҳатто тўйга келувчи меҳмонларнинг ҳам ҳиндча кийиниши талаб қилинган. Тўйда ҳиндларнинг урф-одатларига тақлид қилинган. Бироқ унинг ҳиндча тўйи бутун медиа воситаларида тарғиб қилинганига қарамай у жазоланмади.

Мамлакатда қонун, конституциявий тузум битта. Қонуний таъқиблар бир хил. Ҳеч кимнинг диний, ирқий низо чиқаришига йўл қўйилмайди. Буни ҳамма билади: лекин, нега фуқаро араб либосини танласа жазоланади-ю, ҳинд либосини кийса, улуғланади?! Фарқ нимада?

Агар Наманган вилояти суди фуқарони бошқа миллат либосини кийганлиги учун жазолаган бўлса, Тошкент шаҳар судлари нега Муниса Ризаевани жазоламади? Орадаги фарқни Адлия вазирлиги мутахассислари тушунтириб берсин.

Аксинча, инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси сифатида Наманган судлари миллатлараро низо қўзғатмоқчими, кишиларнинг эътиқод эркинлигига таҳдид қиляптими, деган гумоним тарқамайди.

\*\*\*

### **ИИБга телефонингизни топширишда эҳтиёт бўлинг!**

“Эзгулик” жамиятига мурожаат қилган Ўзбекистон Ислом Академияси ўқитувчиси М. Қ. шу йилнинг 4 октябрида ЖИБ Олмазор тумани судида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 184-моддаси прим 2-қисми билан БҲМнинг 20 баравари (6 600 000 сўм) миқдоридagi жаримага тортилган ва ҳуқуқбузарнинг SAMSUNG S 23 Ultra телефонини йўқ қилишга қарор қилинган.

Кодекснинг мазкур моддаси ноқонуний диний материалларни сақлашни назарда тутди. Ҳуқуқбузар М.Қ.нинг телефонидан топилган диний мазмундаги материалларни тегишли тартибда экспертизадан ўтказган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси экспертлари уларнинг конституциявий тузумга хилоф эмаслиги ҳақида хулоса берган.

Бироқ хулосада материаллар таъқиқланган диний адабиётлар экани, ҳуқуқбузарнинг ижтимоий тармоқ орқали радикал оқимлар каналига обуна бўлганлиги эътироф этилган. Суд жазо тайинлашда ана шу ҳуқуқбузарликни асос сифатида олган.

Экспертиза хулосасида М.Қ.нинг таъқиқланган каналларга 9 сентябрь куни аъзо бўлгани қайд этилади. Техник жиҳатдан буни аниқлаш экспертлар учун ортиқча муаммо эмас. Аммо ҳуқуқбузарликни қайд этган ИИБ органи шахсдан унинг телефонини 6 сентябрда, яъни 3 кун аввал мусодара қилган. Яъни, ҳуқуқбузар каналга аъзо бўлган пайтда телефон аппарати ИИБда бўлган.

Ғамхўрларимиз ҳуқубузарга радикал каналларга аъзо бўлишда ёрдамлашиб юборган кўринишади. Инсоф қилишса, бу иш юқори инстанция судларида бекор бўлиши мумкин. Аммо сўнгги пайтда амалиётда учраётган бундай ҳодисалардан огоҳлантириш ҳуқуқ фаолларининг бурчидир.

\*\*\*

**Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамияти тавсиялари:**

- 1. Ўзбекистон Републикаси “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунини халқаро конвенция ва ҳуқуқий нормаларга мувофиқлаштириш;**
- 2. Терроризм ва экстремизмга қарши кураш борасидаги жиноий ва маъмурий ишларда мустақил экспертиза институтини жорий қилиш;**
- 3. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси талабларидан келиб чиқиб, диний эрикликларга оид эски нормативларни бекор қилиш;**
- 4. Диний ташкилотларни рўйхатга олишни либераллаштириш.**



Мазкур Фармон билан 2023 – 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси тасдиқланган. Стратегия доирасида судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш одил судловни таъминлашнинг вазифаларидан бири этиб белгиланга.

Фармонга кўра, судга ҳурматсизлик қилиш ҳолатларини олдини олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, бунинг учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш ва жиноий жавобгарлик белгилаш чоралари белгиланди.

Одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси этиб белгиланди: Бош прокуратуранинг жиноий, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармалари; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларининг жиноий, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бўйича тегишли бўлим ва тармоқлари шаклланмоқда. Шунингдек, туман (шаҳар) прокурорларининг мазкур йўналишлар бўйича тегишли ўринбосари ва ёрдамчилари тизими жорий қилинди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси негизида Одил судлов соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш департаменти ташкил этилмоқда. Шунингдек, 2023 – 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимининг ахборот сиёсати концепцияси ишлаб чиқилмоқда.

\*\*\*



Шунга қарамай Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Светлана Ортиқовага кўра, Ўзбекистонда ҳозирги кунда одил судлов таъминланмаган.

«Одил судлов деганда терговчи, прокурор, адвокат ва судья кўз олдимизга келади. Агар шу 4 та профессионал билимга эга, коррупциядан холи бўлса, шундагина одил судловни таъминлай оламиз. Афсуски, Ўзбекистонда ҳозирги кунда одил судлов таъминланмаган», – дейди Ортиқова хоним халқаро пресс-клубнинг матбуот анжуманида. Бироқ негадир Бош прокуратура телеграм

каналда эълон қилинган ушбу хабар кейинчалик номаълум сабабларга кўра олиб ташланган.

\*\*\*

### **Ўзбекистоннинг жиноятчилик даражаси рейтингидаги ўрни**

Ўзбекистон дунёда жиноятчилик даражаси ўртача бўлган давлатлар рўйхатида 99-ўринни эгаллади. Ўзбекистонда ҳар 100 минг кишига ўртача 33,42 та жиноят тўғри келади. Бу ҳақда World Population Review жиноятчилик даражаси бўйича 2023 йилдаги мамлакатлар рейтинги хулосаларида айтилган.

Шунингдек, Марказий Осиё давлатлари орасида жиноятчилик даражаси бўйича Қирғизистон 31-ўринни, Қозоғистон 40-ўринни эгаллаган. Тожикистон ва Туркманистон бўйича эса маълумотлар келтирилмаган.

Венесуэла (ҳар 100 минг кишига 83 та), Папуа-Янги Гвинея (80), Жанубий Африка (76), Афғонистон (76) ва Гондурас (74) каби мамлакатлар жиноятчилик даражаси энг юқори бўлган давлатлар қаторига киради. Улардан кейинги ўринлардан Тринидад ва Тобаго, Гаяна, Салвадор, Бразилия ва Ямайка жой олган.


Шу билан бирга, Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари, Тайван, Мэн ороли ва Уммон жиноятчилик даражаси энг паст, яшаш учун энг хавфсиз давлатлар деб топилган. Улардан кейинги ўринларда Швейцария, Гонконг, Япония, Словения ва Арманистон бормоқда.

\*\*\*

### Жиноятчилик кўлами ўсмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий судига кўра, биринчи инстанция судлари томонидан жиноят ишларининг кўриб чиқилишига доир статистика мамлакатда йилдан йилга судланганлар ва ўта оғир жиноят содир этганлар шахслар сони кескин ошиб бормоқда.

Олий суд очиқлаган статитик маълумотлар – 2019-2022 йиллар ҳамда 2023 йилнинг биринчи чорагидаги кўрилган жиноят ишлари ва судланувчилар сони, жиноий ва маъмурий жазо турларига доир статистик маълумотларни қамраб олади.



Kun.uz saytiga кўра, бу маълумотлар асосида энг муҳим кўрсаткичлар диаграммаси қуйидагича:

Республика бўйлаб биринчи инстанция судларида кўриб чиқилаётган ишлар ва судланувчилар сони йилдан йилга ошиб бормоқда (1-жадвал). Масалан, 2019 йилда 28 минг 846 та суд мажлисларида 36 мингдан ортиқ судланувчи қатнашган. 2022 йилга келиб рақамлар мос равишда 2 баробардан ошган: 58 мингдан ортиқ суд мажлисида

75 минг судланувчи.

Ўз навбатида, жиноят ишлари бўйича суд мажлисларининг ортиши мазкур муддатда судланган шахслар сонининг ортишига ҳам олиб келмоқда (2-жадвал). 2019 йилда 27603 киши судланган бўлса, 2022 йилга келиб бир йилда 56 мингдан ортиқ шахслар судлангани маълум бўлди.



2019-2022 йиллар давомида тарафларнинг ярашгани муносабати билан, Жиноят кодекси 66-1-моддасига кўра, иш юритуvidан тугатилган жиноят ишлари сони ҳам, унда қатнашувчилар сони ҳам қарийб 2 баробарга ўсган. Олий судга кўра, 2019 йилдан буюн ҳар йили 20 мингдан ортиқ шахс муддатидан олдин жазодан шартли озод қилинади, 10 минг атрофидаги судланувчиларнинг жазоси эса енгилроғига алмаштирилади.

Олий маҳкама тақдим қилган рақамларга кўра, Ўзбекистонда оғир ва ўта оғир турдаги айрим жиноятларни содир қилаётган шахслар ҳам кўпайиб бормоқда (5-жадвал). Масалан, ушбу даврда қасддан одам ўлдириш билан боғлиқ жиноятлар бир йилда 376 тадан 422 тага, номусга тегиш билан боғлиқ жиноятлар эса йилига 154 тадан 170га ошган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар аслида бунда бир неча баробар ортиқ. Чунки, йўл ҳаракати қоидаларини ва айрим жамоат тартибига доир маъмурий ишлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан баённома тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

2023 йилда қарийд 762 мингдан ортиқ йўл ҳаракати қоидалари бузилиши қайд қилинган.

### Ўзбекистон жазони либераллаштиришнинг ‘хавfli чизиг’ида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистонда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ва шартли равишда озод қилишнинг енгиллиги мамлакатда жиноятчиликнинг ўсишига таъсир кўрсатмоқда.

Адлия вазирлиги жиноий жавобгарликнинг енгиллаштирилиши жиноятчилик ҳолатига қандай таъсир қилади, деган саволни кўтарди. Вазирлик матбуот хизмати бу борадаги таҳлилий материални 2023 йил февраль ойида эълон қилган эди.

Унда қайд этилишича, сўнги 20 йил ичида Ўзбекистонда жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсати олиб борилган — бу билан Жиноят кодексининг аксарият моддалари оғирлиги пасайтирилган, бир қатор жиноятларда зарар қопланса, озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш тақиқланган, жабрланувчи билан ярашган тақдирда жиноий жавобгарликдан қутулиш имконияти жорий этилган, шунингдек, амнистия ва охириги 5 йил ичида — жазодан шартли равишда озод қилиш кенг қўлланилган.

Адлия эълон қилган статистикага кўра, жиноятлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2019 йилда 46,09 минг жиноят содир этилган бўлса, 2020 йилда уларнинг сони 34,6 фоизга ошиб, 62,08 мингни ташкил этган, 2021 йилда эса 60,8 фоизга сакраш қайд этилган (111,08 минг жиноят). Ўтган 2022 йил давомида вазият бир оз енгиллашган — 105,2 минг жиноят содир этилган.

Айниқса, босқинчилик ва талончилик (152 фоизга), ўғрилик (142 фоизга), фирибгарлик (134 фоизга), безорилик (93 фоизга) каби жиноятлар сони юқори суръатларда ошган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотларига кўра, ушбу фонда 2022 йил 9 ойи давомида 26,1 фоиз, 2021 йилда эса 47,9 фоиз жиноят ишлари судга оширилмаган. Таъкидланишича, бу жабрланувчилар ярашувга боргани тўғрисидаги ҳолатларни ўз ичига олмайди.

Суд муҳокамаси ва айблов ҳукми эълон қилинганидан сўнг кўплаб маҳкумлар жазони ўташдан шартли равишда озод қилинади ёки уларнинг жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилади. Масалан, 2022 йилда 56,5 минг фуқаро судланган бўлса, параллель равишда 26,75 минг киши (нисбат — 47,3 фоиз) муддатидан олдин шартли равишда озод этилган, 10,2 минг шахснинг жазоси эса енгиллаштирилган (18,04 фоиз). 2023 йил кўрсаткичларига кўра бу миқдор қарийб 1,2 бараварга ошган.

Жиноят кодексининг 73 ва 74-моддаларида шахс жазонинг маълум қисмини ўташи шартлиги назарда тутилгани сабабли, аввалги йилларда судланган шахслар шартли равишда озод қилинади ёки жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади. Бунда улар жиноятнинг оғирлигига қараб 1/3 дан 2/3 гача жазо муддатини ўтаган, режимни бузмаган ва меҳнатга виждонан муносабатда бўлган бўлиши керак.

«Бироқ умуман олганда жиноий жазодан муддатидан олдин озод бўлиш ёки амалда уни енгиллаштириш имконияти жуда катта экани аниқ. Мавжуд вазият жиноят қурбонлари орасида жиддий норозиликни келтириб чиқармоқда: уларга етказилган зарар ундирилмайди, жиноятчилар эса озод», — дея таъкидлайди Адлия вазирлиги.

Бу эса ўз навбатида рецидивистлар сонининг ортишига олиб келади. Масалан, 2022 йилда содир этилган жиноятларнинг 11,4 мингтаси (12,6 фоиз) муқаддам судланганлар томонидан амалга оширилган, 2021 йилда бу кўрсаткич 8,7 минг кишини ташкил этган (10,8 фоиз). Шу билан бирга, 2022 йилда шартли равишда озодликдан маҳрум этилган рецидивистлар орасида 184 ҳолатда (2021 йилда — 168 та) фирибгарлик, ўғирлик, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар, талончилик ва талон-торожлик жиноятларини содир этилгани аниқланган.

«Айниқса, 2023 йил 31 январь куни Тошкентнинг Янгиҳаёт туманида 12 ёшли қизни зўрлаб, ўлдирган шахснинг жазо муддатидан олдин озодликка чиқади фожиали. Ушбу ҳолат маҳкумларни тўғирлаш йўналишлари зарурлигини очиқ-ойдин кўрсатиб берди. Кўриб турганингиздек, амалга оширилаётган



ислоҳотларни қайта кўриб чиқиш вақти келди, чунки жиноят назоратдан чиқиб кетиши, уюшган ва профессионал характерга айланиши мумкин бўлган хавfli чизиққа яқинлашдик», дейилади мақолада.

Бироқ Адлия идораси айна шу характердаги жиноят Адлия вазирлиги масъул ходимлари томонидан содир этилгани — Хоразм вилояти Адлия бошқармаси раҳбарининг етимхона қизларини узоқ йиллар давомида зўрлаб келганини таъкидлашни лозим топмайди.

Адлия вазирлиги бу борада хориж тажрибасини мисол қилиб келтиракан, Россияда масалан, вояга етмаганларга нисбатан жинсий тажовуз борасидаги жиноятлар, гиёҳванд моддаларни ноқонуний сақлаган шахслар жазо муддатининг 3/4 қисмини ўтаб бўлганидан кейин муддатидан олдин шартли озодликка чиқаришларини сўраб, мурожаат қилиши мумкин. Қозоғистонда ҳам худди шундайлиги кўрсатилган.

«Ушбу масалалар, бизнингча, жиддий профессионал ва жамоатчилик муҳокамасини талаб қилади», — дея хулоса қилди Адлия вазирлиги.

\*\*\*

### **Қатағон қурбонлари оқланди**

2023 йилнинг 24 августида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича ҳайъати қатағон давридаги Учлик Кенгашининг махсус йиғилиш қарорларига кўра, отилган ва сургун қилинган шахсларни оқлади.

1929 — 1931 йилларда ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида қуролли тўда тузиб, совет ҳукуматига қарши қуролли қўзғолон ёки аксилинқилобий мақсадлардаги ҳаракатларни амалга оширганликда айбланган 240 нафар шахсга оид 5 жиноят иши кўриб чиқилган.

Бош прокурор ўринбосари томонидан мазкур жиноят ишлари юзасидан Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция протестини бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномалар ҳамда апелляция тартибида протестлар келтирилди.

Олий судда ўтган очиқ суд мажлисларида ушбу илтимосномалар ва протестлар кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди. Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига асосан жами 5 жиноят иши бўйича 240 нафар шахсга нисбатан Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг оқлов ҳукми чиқарилди.

\*\*\*

### **Тескари ислоҳот**

Ўз ваколатини тўлиқ англай олмаётган маъмурий судларга 2024 йилдан қўшимча равишда солиқ низоларини кўриш ваколати ҳам берилди. Янги ваколат одил судлов билан боғлиқ тадбиркорлар муаммоларини очиқламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 04.09.2023 йилдаги 292-сон қарори билан 2024 йил 1 январдан бошлаб иқтисодий судлар томонидан солиқ органлари иштирокида кўрилаётган ишлар маъмурий судлар юрисдикциясига ўтказилди.





## Судларда коррупция

2023 йилнинг 17 февраль кўни Тошкентда пора билан ушланган судьяни жиноий жавобгарликка тортишга рухсат берилди. У 4 минг доллар пора билан қўлга тушганди

Аввалроқ Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман суди судьяси 4 минг долларни пора тариқасида олаётганда қўлга олингани ҳақида хабар берилганди. Судьялар олий кенгаши бош прокурор тақдимномасига мувофиқ пора билан қўлга тушган судьяни жиноий жавобгарликка тортишга рухсат берди.

Судьялар олий кенгашининг 17 февраль кўни бўлиб ўтган навбатдан ташқари йиғилишида бош прокурорнинг Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди судьяси И.Б.ни Жиноят кодексининг 210-модда (пора олиш) 3-қисми билан жиноий жавобгарликка тортишга оид тақдимномаси муҳокама қилинди.

Йиғилишда кенгаш хулосаси билан И.Б.ни жиноий жавобгарликка тортишга розилик берилди ва унинг судьялик ваколати тўхтатилди. Шунингдек, қайд этилишича, тергов сири ва айбсизлик презумпцияси талабларидан келиб чиқиб, бошқа тафсилотлар ошкор қилинмаслиги айтилган.

\*\*\*

2023 йилнинг 5 декабрь кўнига қадар жиноят ишлари бўйича Сергели туман суди судьяси лавозимида ишлаган шахс ушбу лавозимда бўлиши даврида ўз иш юритишида бўлган қурилиш фирмаси раҳбари ва бошқаларни Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айблаган оид жиноят ишини кўриб чиқиши жараёнида ҳокимият ҳаракатсизлиги, далилларни сохталаштириш, адолатсиз ҳукм чиқариш ҳамда товламачилик каби жиноятларини содир этган.

Мазкур ҳолат юзасидан тўпланган материаллар асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ЖИБ Сергели туман судининг собиқ судьясига нисбатан Жиноят кодексининг 165, 208, 230 ва 231-моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Ҳозирда мазкур жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари ДХХ Тергов бошқармаси томонидан олиб борилмоқда.

\*\*\*

Тошкентда Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати катта консультанти фуқародан 10 минг АҚШ доллари олган вақтида қўлга олинди.

Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда қўлга олинган ушбу амалдор муқаддам судланган 2 нафар шахсга нисбатан Олий суднинг Жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кассация тартибида кўрилатган жиноят ишини Фарғона вилоят судига ўтказган ҳолда, уларнинг оқланишига ёрдам беришни ваъда қилган.

\*\*\*

Давлат хавфсизлик хизматининг Сурхондарё вилояти бўйича бошқармаси ходимлари томонидан вилоят суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг судья катта ёрдамчиси маҳаллий тадбиркорнинг ишончига кириб, унинг апелляция босқичида кўрилатган даъво аризаларини судьялар орқали ижобий ҳал қилиб бериш эъвазига 6 минг АҚШ доллари олган вақтида ушланди.

Тезкор суриштирув ҳаракатлари давомида, судья катта ёрдамчиси муқаддам тадбиркорнинг Термиз туманлараро иқтисодий судига киритган даъво аризасини ижобий ҳал қилиб бериш эвазига 2 минг АҚШ доллари талаб қилиб, 600 АҚШ доллари олганлиги ҳам маълум бўлди.

\*\*\*

Фуқарлик ишлари бўйича Тошкент вилояти Чирчиқ туманлар аро суди судяси Равшанов 4 йил аввал оламдан ўтган одам - Абдукарим Манноновга сўроқ қилмасдан ҳам жарима солибди ва унга мажбуриятлар юклади.

Маъсулиятсиз судья суд амалиётидаги энг муҳим процессуал мажбурият — судланувчининг шахсини аниқлашни эсдан чиқарган. Мазкур ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хизмат текшируви тайинлаган.

“Эзгулик” фикрича, Олий суд умумий юрисдикция судларининг маълумотлар базасини кенгайтириши учун ҳеч бўлмаганда Ички ишлар вазирлиги ёки Давлат хизматлари агенлиги сингари идораларнинг базасини юклаб олиш мақсадга мувофиқдир.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг жамоатчилик билан алоқалар бўлими собиқ ходими Ҳусан Равшановга оид жиноят иши 2023 йилнинг 19 декабрида ЖИБ Тошкент шаҳар судининг апелляция судлов ҳайъатида кўрилди. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 139-моддаси (Тўхмат) билан айбланган Равшанов Facebook ижтимоий тармоғида “Sanjar Karimov” саҳифасини юритганлик ва Адлия вазирлиги ходимларига ана шу профил орқали тўхмат қилганликда айбланган.

Равшановнинг суддаги жамоатчи ҳимоячиси Абдурахмон Ташановга кўра, суд лингвистик экспертиза, лексикологик экспертиза, ва ҳоказо, экспертизаларнинг бирортаси “Sanjar Karimov” профилидаги ёзувларнинг айнан Равшановники эканига оид қатъий ҳулоса бермаган.

Иккинчидан, “Sanjar Karimov” профили ҳақиқтан ҳам Ҳусан Равшановга тегишлими? Унда нега профил Равшанов қамоқда ўтирган пайтда ҳам ишлаб турди? Ҳозир ҳам ишлаб турибди. Агар бир пайтнинг ўзида профилнинг Равшановдан бошқа ҳам фойдаланувчиси бўлса, тергов нега буни аниқламади?

Учинчидан, ИИВнинг тергов изолятори карвонсаройми? Унга жиноят ишининг процессуал иштирокчиси бўлмаган Адлия вазирлигининг Коррупцияга қарши кураш бўлими бошлиғи Ж. Узоқов, Кадрлар бошқармаси бошлиғи Ш. Қўчқоров нега кириб юрибди? Айбланаётган шахсдан тушунтириш ва аризалар олмоқда? Мамлакатда қонунчиликка масъул бўлган Адлия вазирлиги бу ҳолни қандай изоҳлайди, дейди Ташанов.

Апелляция суди дастлабки ҳукми кучда қолдирган. Ҳозирда Равшанов Олий суднинг кассация инстанциясига шикоят ёзган.

\*\*\*

Психологияда “испанча уят” деган иборани яқинда ҳамкасб устозлардан биридан эшитдим. Аммо бундай туйғуни кўп марта ўзимда туйган эканман. Яъни, қимнингдир қилган ножўя иши учун ўзимни беҳузур ҳис қилганман. Дўстим, яқиним, ҳамкасбимнинг номуносиб хатти-ҳаракатлари баъзан уялтирган мени, деб ёзади “Эзгулик” раҳбари А. Ташанов ўзининг ижтимоий тармоқдаги саҳифасида.

Унга кўра, жамиятга Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг шу йил 7 ноябридаги Зафар Атахановга оид ажрими келиб тушган. Ажрим Тўрткўл тумани судининг 6 октябрь кунги ўқитувчи-блогерни жазолаш борасидаги маъмурий қарорини бекор қилган. Ҳолбуки, Тўрткўл судининг бу қарори соҳада ишлаётган ҳар бир судьяда уят ҳиссини пайдо қилиши керак.

Масалан, суд ҳужжати ҳеч бир экспертиза ёки мутахассиснинг хулосасига таянмай ўқитувчи-блогерни тўхматчига чиқарган, зўровонга айлантирган. Суд қарорининг баён қисмида бўйдоқ йигит суднинг асословчи қисмида олти болали эркакка айланиб қолибди. Судья ИИБ томонидан олиб кирилган “махсус иш”ни ҳатто варақлаб ҳам кўрмаган. Суд қарорини бошқа бир суд қарорининг устига ёзган ва икки қарор бир-бири билан аралашиб кетган. Инсон тақдирига шунчалар бепарқлик!

“Мен президент Мирзиёевни судларнинг ахлат тизимга айланиб қолгани ҳақида гапирганида уни қўполликда айблагандим. Аммо, афсуски, бу энг тўғри таъриф ва ибора экан. Суд қарорини ўқиб кўринг, тақдиримиз шундай судьялар қўлида эканидан қўрқиб кетасиз!” деб ёзади Ташанов.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши Тўрткўл тумани суди судьясига нисбатан хизмат текшируви тайинлади ва суд ҳукми бекор қилинди.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Олий суди яқин ўтмишда советлар режимига қатағонига учраган — миллат равнақи учун хизмат қилган юзлаб аждодларимизни оқлади. Офарин! Бунинг миллий ғуруримиз, ҳуррият ва маърифатпарварлик йўлидаги аҳамияти беқиёс бу ишнинг. Биз ҳуқуқ фаоллари судлов тизимининг бу каби зафарли юришини олқишлаймиз.

Аммо судлов тизими ҳали тирик бўлган, қамоқда бўлган, ноҳақ жарбланган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатламас экан, бу каби ислохотлардан самара қанчалик? Ёки булар ҳам ҳам орадан 100 йил ўтиб оқладими?.. Унда бундай оқлов нега керак?..

Олий суднинг кассация судлов ҳайъатида ҳимоямиздаги Сардор Миралиевнинг иши кўрилмоқда. Бу иш жамоатчилик учун яхши таниш бўлган иш — тадбиркор Ғафур Раҳимов Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига ўз мулкларининг талон-тарож қилингани бўйича 2019 йилнинг декабрида ариза берган. Шу асосда ака-ўка Ойбек ва Сардор Миралиевлар қамалишган.

Ойбек ва Сардор жазо муддатини ўтамоқда, бироқ Сардор Миралиевнинг ягона айби акасидан ишончнома олгани ва оила аъзоси булгани. Фирибгарликда айбланган Сардор Миралиевга нисбатан бирорта қарши кўрсатма ёки жабрланувчи йўқ. Бунинг ўша номдор Раҳимовлар хонадони ҳам судларда бир неча марта таъкидлашди, бу йигитни ҳатто танимаслигини айтишди.

Қуйи инстанция судлари шу қадар разолатга ботиб кетган эканки, адвокатларнинг илтимоснома-ю, талаблари бир тийинга олинмади. Гуноҳсиз, айбсиз бир одамга 8 йил қамоқ жазоси берилди.

Кўп ҳолларда судлар фуқарога “шикоят қилиш муддатини ўтказиб юборгансиз — мана 5 кун ўтиб кетибди, 10 кун ўтиб кетибди” деган баҳона билан аризаларни қайтаришади. Бироқ Олий суд оқлаган Иброҳим Лақай, Абдулла Қодирийнинг апелляция, кассация... ва ҳоказо муддатлари ўтиб кетмайди! Демак, суд ҳам сиёсатга боғлиқ экан!

Келинг, айбсизларни тириклигида оқлайлик, токи у оиласи, фарзандлари бағрида яшасин. Суд маълум даражада сиёсатга хизмат қиларкан, сиёсатнинг пойдеворини адолат ва ҳақиқатга қурайлик. Шахснинг ўлгандан кейин оқланиши эҳтимол бизга фойдаси бордир, аммо унинг ўзига фойдасиз.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тақдимномасига кўра, Тошкент Давлат юридик университетининг магистратура бўлимига қишлоқ хўжалиги, ирригация ва шарқшунослик сингари институтларнинг бакалаври даражасига эга 40 нафар талабалар қабул қилингани акс этган.

Улар икки йилдаёқ “етук” ҳуқуқшунос мутахассислар бўлиб етишади ва фуқароларнинг тақдирини ҳал қиладиган судья, прокурор, адлия ходимига айланишади.

Бу жиноятлар содир этилган даврда Университетда таниқли ҳуқуқшунос Есемурат Канъязов ректорлик қилган. Ҳуқуқшунос-магистирлик мақомига эришган бахтиёр талабалар орасида домланинг Шарқшунослик институтини битирган фарзанди ҳам бор экан.

Бу масалада прокуратуранинг Адлия вазирлигига тақдимномаси ҳам киритилган. Айрим шахсларга жиноят иши қўзғатилиб, излар кўмилиб кетган. Аммо Есемурат оға кўтарилгандан кўтарилиб кетаверди. У киши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Олий аттестация комиссиясига раҳбарлик қилмоқда.

\*\*\*

Айтайлик алифбода “б” ҳарфи бўлмаса, “бахтиёр” сўзини ёзиб бўлмайди. Исломов деган фамилияни ёзиш учун “и” ҳарфи керак. Демак, сўзни дунёга келтирувчи етакчи омил бу алифбодир.

Бошқа соҳаларда ҳам шундай. Денгизчиликнинг алифбоси — сув, алпинизм учун тоғлар керак. Одил судловнинг асосини кўрсатмалар, уларнинг баёни таъминлайди. Буни тушуниш учун ҳуқуқшунос бўлиш ёки ортиқча бош қотириш шартмас.

Бироқ суд судга келмаган одамни, келди, деса, судда гапирмаган одамни гапиртирса, унинг чиқарадиган ҳукми адолатдан бўладими? Ҳатто адолатли бўлган тақдирда ҳам уни тўлақонли, ҳуқуқий асосга эга деб бўладими бундай қарорни? Йўқ, албатта! Шунинг учун ҳам қонунларимизда бу борада қатъий норма бор: ҳаммаси қонунга мувофиқ бўлиши керак!

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий суди кассация судлов ҳайъати мажлисларидан бирида иштирок этдим. Унда пойтахтнинг Олмазор тумани жиноят судида судья М. Абидов томонидан кўрилган жиноят иши муҳокама қилинди. Бош прокуратура томонидан тақдим қилинган 240 томлик жиноят иши бўйича жиноятда гумон қилинганлар оқланган. Тасанно, аммо суд жабрланувчиларнинг судга келмаган адвокати Р. Рафиқовни судга “келтириб”, унинг “иштирок”ини таъминлабди.

Ўша кунлари Москвада юрган адвокат Рафиқов ҳатто судда қатнашганини билмайди ҳам. Суд баённомалари чала имзоланган, хуллас, жиноят иши бўтқа. Бироқ ана шу иш апелляция босқичида шаҳар судидан, кассация босқичида Олий суддан ўтиб кетди.

Судлар баённомаларнинг сохталаштирилганига ҳатто ҳуқуқий баҳо ҳам берилмади. Бу кетишда иш ундан юқори инстанциялардан ҳам монъеликсиз ўтади.

Буни қарангки, қуйи инстанция судининг ана шундай кемтик қарорини ўзгаришсиз қолдирган Олий суд судьяси И. Раҳмонқулов мустақиллик тантаналари арафасида давлат мукофоти билан тақдирланган. Бундай мукофот муборак бўлармикан?..

Мазкур ҳолат юзасидан расмий муносабат билдирган Ўзбекистон Республикаси Олий судига кўра, бундай ҳолат суд ҳукмиини қайта кўриб чиқишга асос бўлолмайди. Бундай камчиликлар суд ҳукмларининг адоллалилигига раҳна солмайди.

\*\*\*

Қонуншуносларга кўра, умумий юрисдикция судларида судьялар муайян иш бўйича бир марта ҳукм чиқаришга ҳақли. Яъни, бир ишни кўрган судья судланувчи, ҳуқуқбузарга нисбатан жазони эълон қилади, тамом. Судья қанчалик ҳиссиётли бўлмасин, ўзи чиқарган қарорни адолатли-ноҳақ бўлишидан қатъий назар ўзгартириши мумкин эмас. Бу аниқ-тиниқ белгиланган.

Аммо шонли судлов тизимимиздаги судьяларимиз янги уфқларга қадам қўяркан, эълон қилган қарорларини орадан 2 дақиқа ўтмай ўзгартириш, кайфиятига қараб жазони оғирлаштириш йўлига ўтиб олишмоқда.

Масалан, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Бўка тумани суди судьяси Ш. Абдуқодиров ички ишлар ходимига қаршилик кўрсатишда айбланган ҳуқуқбузар педагог Нигора Абдутолиповани БХМнинг бир баравари миқдоридаги жарима билан жазолади. Бу қарорга эътироз билдирган ва прокурорга шикоят қилишини айтган ҳуқуқбузардан жаҳли чиққан судья жаримани 10 бараварга оширди.

Судьянинг ҳиссиётга тўла бу ғайриқонуний ҳаракатларини оқлайдиган биргина жиҳат бор: у суд мажлисининг аудио тасмага муҳрланаётганини билмасди... Иловадаги суд мажлиси аудиоёзувини эшитсангиз, судлов тизимимизнинг зафарли одим отаётганига ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамиятининг бу борадаги баёнотидан сўнг суд ҳукми бекор қилинди ва Судьялар олий кенгаши томонидан судьяга нисбатан хизмат текшируви тайинланди.

\*\*\*

Ташкилотимизга адвокатга қурбимиз етмайди, судда бизни ҳимоя қилинг, деган мурожаатлар бўлади. Табиий, ҳозир адвокатни ҳаммининг ҳам ҳамёни кўтаравермайди. Шу боис баъзан бизнинг ҳимоямизга ҳам муҳтожлар бор.

Адлия вазирлиги билан салкам бир йил ёқалашиб, янги Уставимизга умумий юрисдикция судларида қонунга мувофиқ иштирокимизга оид ваколатимизни белгилаб олдик. Энди эса олдимиздаги ягона барьер айрим судьялар қолди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Жалақудуқ тумани суди раиси Зариф Раҳимов судда “Эзгулик” фаолининг жамоатчи ҳимоячи сифатидаги иштирокини рад қилди. Сабаб агар ҳаммага рухсат берилаверса, ҳимоя кўпайиб кетармиш.

Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 42-моддасида: “Жамоат бирлашмалари ва жамоалар суд муҳокамасида жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси тариқасида иштирок этиш учун ўз вакиллари юборишлари мумкин” дейилади.

Бу ерда судланувчининг бундай ҳимояга эга бўлиши учун жамоат бирлашмаси аъзоси бўлиши шарт, дейилган сўзлар йўқ. Ёки адашяпманми? Ёки ЖПКда ёзилган нарса бошқача, яна бизга номаълум нарсалар борми? Ёки қонун тили шунақа ғализ, у томонга ҳам, бу томонга ҳам тортавериш мумкин бўлган сақичми?..

\*\*\*

Россиядан муҳожирликдан келган Али Мамадалиевга Андижон туманлараро судидан хат келгани, хатда ўзининг Андижон вилоятидаги қайсидир фуқаролик ишига оид суд қарорига номи кириб қолган.





Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қошидаги Мажбурий ижро Бюросининг Нишон туман бўлинмаси Алига суд ажрими билан 94 миллион сўм мажбурий ундирув белгиланган, агар маблағ тўланмаса, зарарни қоплаш унинг яшаб турган уйига қаратилган.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамияти баёнотидан сўнг Судьялар Олий кенгаши суд қарори ёзилиши ва унинг амалга оширилишида хатолик бўлганини, фуқарога нисбатан ижро ҳаракатлари тўхтатилиб, судьяга хизмат текшируви тайинланганини билдирди.

## ҚИЙНОҚЛАР

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Департаменти маълумотларига кўра, 2024 йилнинг 24 январь ҳолатига кўра, мамлакатда 54 та жазони ижро этиш колонияси - 18 таси ёпиқ турдаги, 25 таси манзил колония ва 11 таси тергов ҳибсхоналари мавжуд.

18 та ёпиқ турдаги колония махсус тартибдаги қўриқланувчи колониялар бўлиб, уларга кириш-чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Департаменти томонидан белгиланади.

Айни пайтда жазони ижро этиш тизимидаги колонияларда 29 135 нафар, шундан 7 мингдан ортиғи манзил колонияда, 22 мингдан ортиқ маҳкумлар бошқа турдаги колонияларда жазо муддатини ўтамоқда.

Жиноят ижроия кодексига қайд этилишича, жазони ижро этиш муассасалари жумласига жазони ижро этиш колониялари, шу жумладан, даволаш ҳуқуқи асосидаги колониялар, тарбия колониялари, турмалар, маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналар киради.

Тергов ҳибсхоналари озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасалари вазифасини бажаради.

Ўз навбатида жазони ижро этиш колониялари манзил-колонияларга, умумий, қаттиқ, махсус тартибли колонияларга бўлинади ҳамда вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган.

Тарбия колониялари эса вояга етмаган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган.

Манзил-колонияларда маҳкумлар соқчисиз, аммо назорат остида сақланади. Улар эрталаб ўриндан туришдан кечки ётишгача бўлган вақт мобайнида колония ҳудуди доирасида эркин юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Манзил-колониялардаги маҳкумлар чекланмаган миқдорда учрашув олиш ҳуқуқига эга. Учрашувлар одатда ишдан бўш вақтда берилади. Учрашув маҳкумнинг илтимосига биноан манзил-колония ҳудудидан ташқарида ўтказилиши мумкин.

Бундай маҳкумлар хоналарга бўлинган ётоқхоналарда яшайди. Сақлаш режимини бузмаган, оиласи бор маҳкумларга муассаса бошлиғи қарорига биноан манзил-колония ҳудудида ёки ундан ташқарида оиласи билан алоҳида яшашга рухсат берилиши мумкин. Бундай шахслар ички тартиб қоидаларида белгилаб қўйилган тартибда рўйхатдан ўтиш учун ҳозир бўлишлари шарт. Манзил-колония маъмуриятининг вакили маҳкумлар яшаётган жойга сутканинг исталган вақтида кириши мумкин.

Уларга ҳатто муассаса жойлашган ердаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан ўқишга рухсат этилади.

Албатта, қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби бундан кескин фарқ қилади. Бундай маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар. Улар беш марта қисқа муддатли ва беш марта узоқ муддатли учрашув, саккиз марта телефон орқали сўзлашув, саккизта посылка ёки йўқлов, саккизта бандероль олиш ҳуқуқига эга.

Махсус тартибли колонияларда умрбод озодликдан маҳрум қилинганлар, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар сақланади. Улар камераларда ёки умумий яшаш биноларида яшайдилар. Бундай маҳкумлар ҳуқуқлари

нисбатан камроқ. Камераларда сақланадиган маҳкумларнинг кинофильмлар ва телекўрсатувлар кўриши таъқиқланади.

\*\*\*

Жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик эса Жиноят кодексига кўра жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Жумладан, озодликдан маҳрум қилиш жойида жазони ўтаётган шахснинг жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслиги ёхуд маъмуриятнинг ўз фаолиятини амалга оширишига бошқача йўсинда тўсқинлик қилиши, башарти, маҳкумга нисбатан бир йил мобайнида жазони ўташ тартиби талабларини бузганлиги учун жазони ижро этиш колониясининг карсерига ўтказиш тариқасидаги жазо қўлланилганидан ёки турмага ўтказилганидан кейин содир этилса, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар ўта хавfli рецидивист; оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс томонидан содир этилган бўлса, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қамоқдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш эса беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Қочиш баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказган ҳолда; ўта хавfli рецидивист томонидан; бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

\*\*\*

Сўнги беш йилда жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари доирасини янада кенгайтиришга қаратилган 5 та қонун, 7 та Президент қарори, 11 та Ҳукумат қарори ва фармойишлари, 19 та бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Департаменти иддаосига кўра, сўнги йилларда маҳкумлар учун қуйидаги шароитлар яратилди.

— ижтимоий хавfli катта бўлмаган ҳамда унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга илк марта сайлаш ҳуқуқи берилди;

— БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари қоидалари” қонунчиликка имплементация қилинди;

— ёпиқ турдаги муассасаларида сақланаётган шахсларнинг яқин қариндошлари билан телефон сўзлашувлари, учрашувлари ва жўнатма қабул қилишлари сони қарийб икки баробарга кўпайтирилди;

— озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг руҳий ҳолати бузилган вақтда содир этган тартиббузарлиги учун интизомий жазо чоралари қўлланилмаслиги кафолатланди;

— шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож шахсларни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий муассасаларига жойлаштириш белгиланди;

— манзил-колонияларда жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга пенсия ва ижтимоий сўғурта тўлаш ҳуқуқи берилди;

— адолатли мезонлар асосида маҳкумларга рағбатлантириш чораларини қўллашни алоҳида тартиби белгиланди. Бу борада жазони ижро этиш муассасаларида жамоатчилик вакиллари, Омбудсман, халқ депутатлари ҳудудий кенгашларидан иборат махсус Комиссиялар фаолияти йўлга қўйилди.

— Ўзбекистонда маҳкумларнинг жазони ўташ даврида бажарадиган иши пенсия тайинлашда иш стажига қўшилади

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Департаментига кўра, «Жиноят-ижроия кодекси»га маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини аниқлаш мезонлари киритилди.

«Халқ сўзи» газетасининг 2023 йил 16 февраль куни эълон қилинган Президент Фармонига кўра, маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган чоралар белгиланди.

Маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлиги комиссия томонидан ҳар чорак якунларига кўра қуйидаги мезонлардан бири асосида белгиланади:

маҳкумнинг меҳнатга виждонан муносабатда бўлиши, белгиланган меҳнат нормаларини бажариши, онгли равишда мустақил ишлаш кўникмаларининг шаклланганлиги, ўқишга ва касб-ҳунар ўрганишга қизиқиши;

маҳкумнинг жазони ижро этиш муассасаларида ташкил этиладиган маданий-маърифий тадбирлардаги иштироки, унинг ташаббуси, бошқа маҳкумларга ибрат бўлишга интилиши;

маҳкумнинг жазони ижро этиш муассасасида ўрнатилган ички тартиб-қоидаларига риоя этиши, маҳкумга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилганлиги, унга интизомий жазо чораси қўлланилмаганлиги.

Маҳкумни тузалиш йўлига ўтган ёки ўтмаган деб топиш тўғрисидаги хулоса комиссия томонидан расмийлаштирилади ва маҳкумнинг шахсий йиғмажилдига қўшиб қўйилади.

\*\*\*

Ўзбекистонда 2023 йилнинг 1 октябридан бошлаб жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга субсидия берилади. Бу бўйича ҳукуматнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Маълум бўлишича, иш берувчи ташкилотлар ҳар бир шахс учун уч ойдан ортиқ муддатда меҳнат фаолиятини давом эттиргандан сўнг базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдоридан бир марталик субсидия олиши белгиланган.

Шунингдек, бу қарор бир қатор ташкилотлар учун мустасно экани ҳам айтиб ўтилган.

Жумладан:

- бюджет ташкилотлари,
- давлат корхоналари,
- устав (фонди) капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга субсидия ажратилмайди.

\*\*\*

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2022 йил 29 декабрь кунги мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қийноқлардан жабрланганларга етказилган зарар учун товон тўлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Хусусан, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарар учун жавобгарликни тартибга солувчи Фуқаролик Кодексининг 991-моддасида акс этган.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси иккинчи қисмига қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомалаларни қўллаш натижасида етказилган маънавий зарарнинг ўрнини қоплашни киритиш кўзда тутилди.

Расмийларга кўра, қийноқлардан жабрланганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тиклаш, моддий, маънавий ва бошқа зарарлар учун товон тўлаш механизмларини такомиллаштириш кўзда тутилган.

\*\*\*

Қийноқ ҳолати бўйича Омбудсман муносабати:

Сўнги пайтларда ижтимоий тармоқлар орқали суриштирув ва тергов жараёнларида ёки жазони ижро этиш муассасаларида фуқароларга жисмоний ва руҳий босим ўтказиш, қийноққа солишга оид қатор хабарлар тарқалиб, кенг жамоатчилик эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Қийноққа оид хабарлар Омбудсман назоратига олиниб ўрганилмоқда. Лекин, кўни кеча Бўкада содир бўлган ҳолат суд тергов жараёнларида қийноқ деб аталмиш иллатга ҳали ҳануз йўл қўйилаётганлигини тасдиқлайди.

Бўка туманида фуқаронинг вафот этиши билан, тайинланган бирламчи суд-тиббий экспертизаси натижаларига кўра, Тошкент вилояти прокуратураси томонидан дарҳол жиноят иши қўзғатилиб, воқеага алоқадор бўлган 2 нафар тезкор ходимлар ҳибсга олинганини Омбудсман ижобий баҳолайди.

Аслида биз ҳуқуқларимиз ҳимоячиси сифатида биладиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасида Бўкадаги ҳолат мисолида қонунга хилоф иш кўрувчи ходимлар борлиги жуда ачинарли. Тизимда ишловчи барча ходимлар шундай деган фикрдан йироқмиз, сўнги йилларда қийноққа қарши курашиш борасидаги ислохотларни эътироф этишимиз лозим. Лекин, давлат сиёсатида қарши туриб, ўз хизмат фаолиятида руҳий ва жисмоний қийноққа йўл қўяётган “ходимлар” бор экан, фуқароларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан ишончсизлик юзага келади.

Шу ўринда айтиш керакки, қийноқ бу жамият танасидаги касаллик. Уни даволаш учун аввало шаффофлик таъминланиши керак. Чунки айнан шаффофлик- қийноқларни барвақт олдини олишнинг таъсирчан воситаларидан бири. Мамлакатдаги очиқлик сиёсати сабаб шу каби оғриқли ҳолатлар тилга олиниб, унга жамоатчилик эътибори қаратилмоқда.

Тўғри қийноқ кўплаб ривожланган давлатларнинг ҳам глобал муаммоларидан биридир. Қийноқ инсоннинг фундаментал ҳуқуқларининг бузилиши ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, қийноқ инсонга узоқ муддатли психологик таъсирга эга бўлган, шахс сифатида йўқ қилишга қаратилган хатти-ҳаракат сифатида баҳоланади. Инсон қадри тамойили устувор бўлган Ўзбекистон қийноққа қарши курашиш бўйича ўзининг мустаҳкам ва кескин позициясига эга. Сўнги йилларда қийноқ ҳолатларига йўл қўйган ходимларга нисбатан жазо чоралари оғирлаштирилиб, ҳаттоки, уларга нисбатан афв қўлланилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Қолаверса, мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари учун жавобгарликка тортиш мақсадида қонунчиликка алоҳида модда киритилган ва қийноқни қўллаган шахсга нисбатан оғирлаштирувчи нормалар қўлланилиши белгиланган. Жиноят Кодексининг 235-моддаси

қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш учун жиноий жавобгарликни назарда тутати.

Янгиланган Конституциямизда ҳам агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги белгиланди. Бу билан қийноқ ҳолатларини келтириб чиқарувчи омиллар илдизи қирқилмоқда.

Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича Омбудсман бошчилигида Миллий превентив механизм доирасида жамоатчилик гуруҳлари билан бирга пенитенциар муассасаларга доимий равишда мониторинг ташрифлари амалга оширилиб, у ердаги шароитлар тизимли равишда ўрганилмоқда. У ерда сақланаётган шахслар орасида аноним сўровномалар ўтказилмоқда. Маҳкум ва маҳбуслар билан ҳоли тарзда суҳбатлашиб, қийноқлар қўлланилганига оид мурожаатлар келиб тушганда, ҳолат дарҳол назоратга олинмоқда. Қолаверса, ижтимоий тармоқларда тарқалган қийноқ қўлланилганига оид хабарлар ҳам жойига чиқиб ўрганилиб, қийноқ аломатлари мавжуд бўлган ҳолларда иш кўриб чиқиш учун прокуратура органларига юборилмоқда. Бўкадаги ҳолат ҳам Омбудсман назоратида бўлади.

Гумонланувчи ёки айбланувчилар суриштирув ва тергов жараёнида калтакланиб, вафот этиши мумкин эмас. Куч ишлатиш услуби дан фойдаланган ходимларни аниқлаш ва уларга қатъий чора кўриш, тизимдаги ходимлар малакаси ва фаолиятини бирма-бир таҳлил қилиш, зўравонлар ва сусткашлардан воз кечиш керак. Зеро, бугунги давлат сиёсати инсон қадрини улўлашга қаратилган. Шу нуқтаи назардан бу борадаги қадамлар изчил бўлиши лозим. Биз айбдор шахсларни қатъий жазога тортишга чақирамиз.

**Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)  
Ахборот хизмати**

\*\*\*

2023 йилда аниқланган қийноқ ҳолатлари:

2023 йилнинг 4 июнь куни Ички ишлар вазирлиги Навбатчилик қисмига келиб тушган хабарга кўра, айбдорлиги иддао қилинган шахс Тошкент вилояти Бўка тумани ҳудудида бир қатор ўғрилиқ жиноятларини содир этишда гумонланиб, ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми билан қўзғатилган жиноят иши доирасида 3 июнь куни терговга жалб этилган. Юқоричирчиқ туманида яшовчи 1987 йилда туғилган У.С. ҳимоячиси Х.Юлдашева иштирокида Бўка тумани ИИБ тергов хонасида видеоёзувга тўлиқ ёзиб олинган ҳолда сўроқ қилинган.

Гумонланувчи У.С. соат 19:00да ЖКнинг 227-моддаси билан процессуал тартибда ушланган ва Бўка тумани ИИБдаги «Фуқароларни вақтинча сақлаш хонаси»га жойлаштирилган.

Шу куни соат 23:30ларда гумонланувчи У.С.нинг соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли тез-тиббий ёрдам хизмати чақиртирилиб, шифокорлар томонидан кўрсатилган муолажаларга қарамасдан касалхонада вафот этган.

Гумонланувчи шахснинг вафоти билан боғлиқ ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 235-моддаси (Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш) билан жиноят иши қўзғатилди. Воқеага алоқадор бўлган 2 нафар тезкор ходим ҳибсга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди томонидан Бўка тумани ИИБнинг икки нафар ходими Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 235-моддаси (Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз,

ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш) билан айбланиб, 6 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

\*\*\*

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамияти тарқатган хабарноманинг иккинчи қисмида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда гумонланиб, Тоштурмада сақланаётган 29 яшар Ҳасанбой Абдунабиев воқеаси тилга олинади.

Маълум бўлишича, Ҳасанбой Абдунабиевга нисбатан содир этилган қийноқ натижасида у салкам ногиронга айланиб қолган. Унинг баданига электрошокер воситасида етказилган зарар сиз кўраётган расмларда ҳам акс этган. Унинг моматалоқ баданидаги жароҳатлар ҳануз кетгани йўқ.

“Эзгулик” ихтиёрида Абдунабиевга тан жароҳати етказилгани, унинг баданида гематома ва электрошокер излари мавжудлигига оид тиббий ҳужжат мавжуд. Унга муолажа қилган тез тиббий ёрдам шифокорлари дастлаб оғриқ қолдирувчи инъекциялар юборишган ҳамда шифохонага жойлаштиришган.

Мазкур воқеаларни шарҳлаган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Шоҳруҳ Ғиёсов: “Жорий йилнинг 6-апрель куни Божхона қўмитасининг Контрабандага қарши курашиш бошқармаси ҳамда ДХХ томонидан Тошкент шаҳри ҳудудида кучли таъсир қилувчи заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаган фуқаро Х.А. қўлга олиш жараёнида қаттиқ қаршилиқ кўрсатганлиги сабабли, махсус хизматлар томонидан жисмоний куч ишлатилиб қўлга олинган” дейди.

Ғиёсовга кўра, ҳозирда гумонланувчига нисбатан Жиноят кодексининг 251- прим 1 моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, бошқа оғир турдаги жиноятларга алоқадорлиги текширилмоқда. Гумонланувчи процессуал тартибда ҳимоя билан таъминланган.

“Шу билан бирга, юқорида баён этилган жиноят ишлари бўйича гумондорларнинг айримлари мунтазам равишда спорт билан шуғулланиб келганликлари, илгари кўчада турли мушталашувларда қатнашганликлари аниқланган бўлиб, ҳозирда учинчи шахслар орқали илгари мавжуд бўлган жароҳатларини пеш қилган ҳолда, ижтимоий тармоқларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан ишончсизлик ва носоғлом шов-шув уйғотиш мақсади кўзланаётганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд” дейилади баёнотда.

\*\*\*

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги тергов изоляторида 22 яшар йигит ўзини ўлдирди.

Маълум бўлишича, Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «в» банди (ўғрилиқ, кўп миқдорда) ва 168-моддаси 3-қисми «б» банди (фирибгарлик, такроран ёки хавfli рецидивист томонидан) билан қўзғатилган жиноят ишида айбланган, 2001 йилда туғилган А.Ў. олдин ҳам Жиноят кодексининг 164-моддаси 2-қисми «а» банди (босқинчилик, қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиш) билан судланганлиги инobatга олиниб, унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган.

Шу йилнинг 1 декабр куни соат тунги 02:30 ларда жиноят иши доирасида ҳибсхонада сақланаётган А.Ў. камерадаги ёпинчиқ чойшабдан сиртмоқ ясаб, камера ойначасининг темир панжарасига боғлаган ҳолда ўз жонига қасд қилган.

Тайинланган суд-тиббий экспертизасининг дастлабки ҳулосасига кўра, марҳумнинг ўлими «бўйин қисми сиртмоқ билан сиқилиши натижасида келиб чиққан механик асфиксия» оқибатида юз берганлиги аниқланган.

Омбудсман матбуот хизмати билдиришича, ҳолат назоратга олиниб, ишга тааллуқли маълумотлар сўраб олинган ва ўрганилмоқда.

Маълум бўлишича, ҳолат юзасидан Чирчиқ шаҳар прокуратураси томонидан терговга кадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда ва марҳумга суд-тиббий экспертизаси тайинланган.

\*\*\*

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамиятига мурожаат қилган Наманган вилояти Поп тумани Чодак қишлоғида яшовчи Дониёр Тўрахўжаев босқинчиликда гумонланган 40 яшар ўкаси Дилшоджоннинг 12-15 апрель кунлари Тошкент шаҳар ИИББ тергов бўлимида шафқатсиз қийноқларга солингани, оғзи ва қўллари скотч билан боғланиб, ноинсоний қийноқларга солинганини иддао қилган.

Суриштирув, адвокатлар ва гувоҳлар билан суҳбатлардан сўнг маълум бўлдики, Дилшоджон Тўрахўжаев ҳақиқатан ҳам фуқаро кийимидаги жиноят қидирув бўлими ходимлари, қора махсус кийимдаги “ажал фаришталари” ва терговчилар томонидан мажбурий кўрсатма олиш мақсадида қийноққа солинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда гумонланиб, Тоштурмада сақланаётган 29 яшар Ҳасанбой Абдунабиевга нисбатан содир этилган қийноқ натижасида у салкам ногиронга айланиб қолди.

Адвокатларга кўра, унинг баданига электрошокер воситасида етказилган зарар сиз кўраётган расмларда ҳам акс этган. Унинг моматалоқ баданидаги жароҳатлар ҳануз кетгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига кўра, Дилшод Тўрахўжаевга нисбатан қийноқлар содир этган Тошкент шаҳар ИИББ тезокр вакилларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 206-моддаси, 235-моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикасининг Олий суди матбуот хизмати томонидан жамиятимизга 01.03.2023 йилда берилган 07/14-2533-101-сонли маълумотномага кўра, 2022 йи давомида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 235-моддаси (Қийноқ) бўйича бирорта шахс жавобгарликка тортилмагани айтилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Омбудсманнинг 2022 йилдаги вазият бўйича Сенатнинг ялпи мажлисида берган ҳисоботида ҳам қийноқ фактлари тилга олинмади.

Бироқ жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг апелляция босқичида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси (Гиевандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш) билан судланаётган ҳимоямдаги Ҳилолиддин Асомитдиновга нисбатан 2022 йилнинг 31 март куни қийноқ содир этилгани маълум бўлди.

Суд-тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра, маҳкумга етказилган тан жароҳати хусусиятига кўра ЕНГИЛ тан жароҳати ҳисобланади. Бироқ апелляция суди ҳимоя тарафнинг ходимларга нисбатан қийноқ факти бўйича хизмат текшируви тайинламади.

Бу хатти-ҳаракатлар гўёки юқоридан берилган топшириқни бажаришдек туюлади. Чунки 2022 йилда шунча қийноқ фактлари бўлишига қарамай судлар бу борада бирорта жиноят иши кўришмаган. Омбудсман ҳисоботида қийноққа оид бирорта факт йўқ.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан қўзғатилган ЖИЭДга қарашли 3-сонли изоляторда қийнаб ўлдирилган Санжарбек Мамамжонов иши бўйича (034012/2022-50OG-сонли жиноят



иши) Андижон вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг 12 нафар ходими турли йилларга озодликдан маҳрум қилинди.

\*\*\*

2023 йилнинг 13 августига ўтар кечаси Тошкент шаҳар ИИББ тергов изоляторида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 137-моддаси 2-қисми “в” банди (“Одам ўғирлаш”), 165-моддаси 3-қисми “а” банди (“Товламачилик”) ва 277-моддаси 2-қисми “б” банди (“Безорилик”)да кўзда тутилган жиноятларни содир этганликда гумонланган 33 яшар Д. У.нинг жасади чиқди.

Ижтимоий тармоқларда марҳумнинг жасади ва уни яқинларининг кўздан кечириш жараёнлари акс этган видео лавҳадан маълум бўлишича, Д.У.нинг танасида қийноқ излари мавжуд бўлиб, танасининг қорайган, кўкарган жойлари лавҳада акс этган.

Марҳумнинг яқинларига кўра, Д.У. 12 август куни соат 21.30 лар атрофида ўз яшаш хонадонидан Тошкент шаҳар ИИББ жиноят қидирув бўлими ходимлари томонидан олиб кетилган ва унинг жасади 14 августга ўтар кечаси Тошкент шаҳар моргига берилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизматида хабарига кўра, Тошкент шаҳар ИИББ биносида 13 августга ўтар кечаси вафот этган Д.У.нинг иши юзасидан бир қатор тергов ҳаракатлари ўтказиш зарурати туғилганлиги сабабли, ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 206 (Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш) ва 235 (Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш) моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Ҳозирда Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Озодликнинг Тошкент шаҳар прокуратурасидаги манбаларига кўра, иш юзасидан Тошкент шаҳар ИИББ жиноят қидирув бўлими катта тезкор вакили М.М ва яна икки нафар шахс қамоққа олинган.

### **Расмийлар қийноқ иддаоларини рад қилиб келмоқда**

“Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига тизимли ва босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўзбек модели шаклланди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, шу жумладан БМТнинг 7 та асосий шартномаси ва 4 та Факультатив протоколига қўшилган.

Бу халқаро ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан миллий маърузалар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ҳамда шартномавий қўмиталарига доимий равишда тақдим этиб борилмоқда” дейди инсон ҳуқуқлари Миллий маркази директори Акмал Саидов.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йилнинг 26 июнь куни Халқаро Қийноқларга қарши кураш куни муносабати билан имзоланган Фармонида қийноқларга қарши кураш стратегияси ишлаб чиқилган.

Белгиланган чора-тадбирлар доирасида Миллий превентив механизмни амалга оширувчи Омбудсман етакчилигидаги гуруҳ ёпиқ турдаги муассасаларда, жазони ижро этиш колониялари ва тергов изоляторларида мониторинглар ўтказмоқда.

Президент Фармонига кўра, Омбудсман идораси йилнинг 15 мартига қадар ўтган йилдаги қийноқ ҳолатлари бўйича Парламент ва жамоатчиликка ҳисобот бериши шарт. Аммо инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил идораси бу мажбуриятни бажармай келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг шу йил 7 апрелида ўтган ялпи мажлисида ҳисобот берган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) қийноқларни рад қилди.

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг “Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши” Конвенцияни 1995 йилнинг 31 августда тан олган. Шунга қарамай мамлакатда мен юқорида сизга айтган қийноқлар билан боғлиқ муаммолар ҳал бўлмади.

Ўзбекистон Республикаси президентининг 26.06.2021 йилдаги қарори билан қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган миллий превентив механизмлар жорий қилинди. Мазкур ишни амалга ошириш учун Омбудсман қошида комиссия тузилди ва унга “Эзгулик” ҳам жалб қилинди. Бироқ кецинчалик биз қийноқ фактлари бўйича аниқ маълумот ва фактларни оммавий ахбоорт воситаларида гапира бошлаган “Эзгулик” жамияти Комиссия таркибидан чиқарилди.

Президент томонидан ташкил қилинган мазкур гуруҳ вазиятга мослашиб, ҳатто қийноқ фактларини яширишга уринишлар бошлади. Ўз ҳисоботларида бу борада ҳаммаси ОК деган хулосалар бера бошлади. Бу эса қийноқларнинг яна авж олишига олиб келмоқда.

Президент қарорида Омбудсман ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда БМТнинг “Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши Конвенцияси Факультатив протоколи”га (Нью-Йорк, 2002 йил 18 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши масаласи бўйича кўтарилганди.

Аммо орадан икки йил ҳам ўтибди, бу масалада олдинга силжиш йўқ. Қийноқ Ўзбекистон учун сиёсий тушунча бўлгани, бу масалада Ўзбекистон БМТ олдида ҳисобдор бўлгани учун қийноқ ҳолатларини яшириш, қийноқ бўйича полиция ходимларига қарши иш очиш пайсалга солинади ёки уларни бошқа моддалари билан жавобгарликка тортишади.

\*\*\*

“Эзгулик” Ўзбекистонда пенициар муассасалар ходимларининг касбий малакасини ошириш юзасидан тавсиялар берди:

Жазони ижро этиш муассасаси ходимларининг касбий ва психологик тайёргарлигини ошириш муҳим жараёндир.

Маҳкумларга тарбиявий таъсир этишда зарур бўлган хислатларни шакллантириш, ривожлантириш ва фаоллаштириш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурати бор.

Бутун дунёда ҳозирги кунда пенитенциар соҳа олимлари жазони ижро этиш муассасаси ходимининг касбий тайёргарлиги масаласида педагогик-психологик тайёргарлигига кўпроқ эътибор қаратишмоқда. Жазони ижро этиш муассасаси ходимларининг педагогик-психологик тайёргарликлари уларнинг фаолиятлари хусусиятлари билан бевосита боғлиқ.

Шунинг учун педагогик-психологик тайёргарликнинг мазмуни аниқ касбий йўналишга эга бўлиши зарур. Жазони ижро этиш муассасалари ходимларининг педагогик-психологик тайёргарлигини қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

а) ходимларнинг жазони ижро этиш муассасаси фаолиятига хос бўлган стресс омилларининг таъсирига психологик жиҳатдан чидамлилигини ошириш;

б) ходимларда педагогик-психологик ва касбий сифатларни ривожлантириш, ҳар қандай мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш кўникма ва малакасини шакллантириш.

Жиноий жазони ижро этиш муассасалари ходимларининг педагогик-психологик тайёргарлиги уларнинг касбий маҳоратини ошириб боради. Шунинг учун жазони ижро этиш муассасаси ходимларининг касбий

тайёргарлик тизимида психологик тайёргарликни мақсадга йўналтирилган ҳолда ошириб боришнинг усул, услуб ва шакллари киритиш лозим.

Жазони ижро этиш муассасалари фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат: жазони ижро этиш муассасалари ходимларининг фаолияти қонунни бузувчи ва жамиятдаги қабул қилинган нормалардан оғувчи хулқ-атворга, жамиятга зид қарашларга, турли психологик хусусиятга ва дунёқарашга эга шахслар билан боғлиқ ҳамда ходимлар фаолияти турли мураккаб ва стрессли вазиятда амалга ошади.

Жазони ижро этиш муассасаси ходими фаолиятининг хусусиятидан келиб чиқиб, ходимдан чуқур билим, кўникма ва малака билан бир қаторда касбий-психологик муҳим сифатларга эга бўлиши ҳам талаб этилади.

Бу сифатларга қуйидагиларни киритиш мумкин: шахс сифатларининг касбий-психологик йўналганлиги; психологик билиш жараёнларининг: идрок, диққат, хотира, тафаккур, тасаввур, кузатувчанликнинг ривожланганлиги: мураккаб вазиятларда тезкор қарор қабул қила олиш; ҳиссий-иродавий сифатларнинг ривожланганлиги, сабр-тоқатлилик; руҳий барқарорлик; мулоқотга киришувчанлик, одамларда ўзига нисбатан ишонч уйғота олиш.

Жазони ижро этиш муассасаси ходими қонунга итоаткор бўлишда маҳкумларга ўрнатилган бўлиши ва ҳар бир ҳаракати қонун доирасида ва адолатли бўлиши лозим.

Маҳкумларнинг ўзига хос хусусиятлари ходимдан сабртоқатли бўлишни, ўз ҳиссиётларини жиловлай олишни талаб этади. Ходим турли стрессли вазиятларга психологик жиҳатдан чидамли бўлиши, жазони ижро этиш муассасасида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай экстремал вазиятга психологик тайёр бўлиши зарур.

Ходим маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш билан шуғулланиши сабабли педагогика ва психология соҳаси бўйича чуқур билимга эга бўлиши, турли педагогик ва психологик таъсир усуллари ва воситаларидан унумли фойдаланиш кўникма ва малакасига эга бўлиши керак. Ходимда юқорида кўрсатиб ўтилган сифатлар яхши ривожланмаган бўлиши мумкин. Лекин яхши мутахассис бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар бир ходим ўзида юқорида санаб ўтилган сифатларни амалий фаолияти давомида ривожлантиришга ҳаракат қилади.

Агар тарбиячи ходимнинг қайсидир томонида камчилиги бўладиган бўлса, маҳкумлар бунини дарров илғайдилар ва бу ҳолат ходимнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли ходим узлуксиз ўз устида ишлаши ва барча юқорида кўрсатиб ўтилган сифатларни ривожлантиришга интиломи лозим.

**Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамияти тавсиялари:**

- 1. Қийноқларга қарши Миллий превентив механизмларни амалга оширишда жамоатчиликни жалб қилиш;**
- 2. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси ва Жиноят Кодексининг қийноқларга оид моддалари диспозициясини кучайтириш ва қўшимча жазо чоралари билан боғлиқ моддаларни жорий қилиш;**
- 3. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг тергов органларини Ягона мустақил тергов тизимини ташкил этувчи органига бирлаштириш; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қошида тергов қўмитасини ташкил қилиш;**

4. БМТнинг "Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши Конвенцияси Факультатив протоколи"га (Нью-Йорк, 2002 йил 18 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилишини тезлаштириш;

5. Пенициар муассасалардаги тиббиёт бўлимларини ИИВда Соғлиқни сақлаш вазирлиги бўйсунувига ўтказиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентиининг 2023 йил апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, қийноқлар бўйича махсус ўқув услубий қўлланма яратиш.

## МАИШИЙ ЗЎРОВОНЛИК ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ

Тармоқда оилавий зўровонлик қурбони бўлган келинчак ҳодисаси трендга чиқди. Фаолларнинг бир қисми масалани диний қадриятларга боғламоқда. Айрим тоифалар ҳодисанинг ижтимоий томонларига урғу беряпти. Ҳуқуқ органларини айблаётганлар ҳам бор. Кенгроқ ёндашилса, ҳамма фикрларда жон борга ўхшайди.

Ҳодисалар занжирига эътибор беринг. Ҳоким прокурорни сўяпти. Қийноқ ҳолатлари тез-тез қулоққа чалинмоқда. Суиқасдлар, жинсий зўровонлик кўпайган. Эр хотинни ҳақорат қилади, хотин туққан боласини айиқ қафасига улоқтиради ёки ҳожатхонага ташлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотларига кўра, қотиллик ва баданга оғир тан жароҳатлари етказиш жиноятлари кейинги икки йилда кескин ошди. Статистика қўмитаси маълумотларига кўра, ўлим сабабларининг аксар қисми юрак, қон-томир касалликларига тўғри келмоқда. Бу ҳасталикларнинг асосий сабаби асаб тизими билан боғлиқлигини эътиборга олсак, Олий суд ва статистикачиларимиз фикридаги уйғунликни кўриш мумкин.

Демак, жамиятда ижтимоий таранглашув жараёни кечяпти. Юқоридаги келинчак ҳодисаси ана шу ижтимоий таранглашувнинг бир кўриниши холос.

Бу ўринда давлатчиликда ижтимоий муносабатлар мувозанатига ташхис қўя оладиган ижтимоий ақл марказлари, институтларга эҳтиёж бор.

Афсуски, бундай институтлар вакилларининг пичоққа илинарли бир таҳлилларини эшитмадик шу пайтгача. Ўзи борми бундай муассасалар? Улар жамиятдаги бундай занжир реакциясига ечимлар бера оладими? Аниқ чоралар кўриш, муаммони бартараф этиш юзасидан йўналишлар ишлаб чиқа оладими? Тан олишимиз керакки, бунга қодир эмасмиз. Масала ечими фақат дин, маънавият ёки илмсизликда эмас. Соҳа мутлақо умумдават миқёсидаги тадқиқотга мўхтож.

\*\*\*

Ўзбекистонда 2023 йилда оилавий зўровонлик сабабли 203 кишига жиноий иш очилди. Уларнинг 59 нафарига озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 144 нафарига эса озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59-2-моддаси билан 8928 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларнинг 5229 нафарига жарима жазоси, 3699 нафарига эса маъмурий қамоқ жазоси қўлланилган.

\*\*\*

Янги судлар муаммони бартараф эта оладими?

Ўзбекистонда оилавий низоларни кўрувчи ихтисослашган судлар ташкил қилинмоқда. Тажриба тариқасида фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар, Наманган туманлараро ва Мирзо Улуғбек туманлараро судида Оила судьялари ташкил этилади.

Президент қабул қилган қарорга кўра, бошқарув ходимлари орасидаги хотин-қизларнинг улушини 2030 йилгача 30 фоизга етказиш талаби давлат корхоналарининг ижро органлари, шу жумладан директорлар кенгаши ва кузатув кенгашларининг таркибини шакллантиришда ҳам татбиқ этилади.

2024 йил 1 февралдан тажриба тариқасида фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар, Наманган туманлараро ва Мирзо Улуғбек туманлараро судларининг 2 нафардан судьясини оилавий низоларни кўриш бўйича ихтисослаштирган ҳолда ушбу судларда Оила судьялари ташкил этилади.

Бироқ Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамияти муаммо кўлими катталигини ҳисобга олиб, бу борада махсус давлат дастури қабул қилиниши лозим деб ҳисоблайди. Давлат дастурида мазкур муаммони тадқиқ этувчи институтлар ташкил қилиш, суд-ҳуқуқ тизимига етиб боргунича муаммолар қисман ҳал этилиши лозим деб ҳисоблайди. Бу борада миллий кадриятлар, ҳуқуқий нигилизм ва жамиятнинг етакчи институтлари фаол иштирок этиши лозим.

\*\*\*

Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг бўйсунуви Вазирлар Маҳкамасига ўтказилди. Шунингдек, Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

«Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг бўйсунуви Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан Вазирлар Маҳкамасига ўтказилди.

Қўмита фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозими жорий этилди.

\*\*\*

Янги тайинланган Болалар омбудсмани фикрича, педагог ва тарбиячилар аввал махсус психологик кўриқдан ўтиши муҳимдир. Бола манфаатларининг бузилишига йўл қўяётганларни нафақат ишдан олиш, балки уларга қонун доирасидаги тегишли жавобгарлик чоралари кўрилиши керак.

Сўнги пайтларда турли таълим муассасаларда таълим-тарбияга масъул шахсларнинг нолойиқ, қўпол муомаласи ёки озор бериши оқибатида болаларга турли даражадаги жароҳат ёки эмоционал-психологик таъсир кўрсатиш ҳолатлари учрамоқда.

Болалар омбудсмани бундай ҳолатларга мутлақо муросасиз муносабатда бўлиб, бола манфаатларини бузилишига йўл қўяётганларни нафақат лавозимидан ёки вазифасидан озод этиш, балки уларга қонун доирасидаги тегишли жавобгарлик чоралари кўрилиши зарур, деб ҳисоблайди.

Зеро, болаларга нисбатан содир этилган ҳар қандай зўравонлик ҳолатининг жавобсиз қолиши бундай номаъқул амалиётни давом этишига олиб келади.

«Шунингдек, педагог ва тарбиячилар тегишли вазифа ёки лавозимга тайинланишидан аввал махсус психологик кўриқдан ўтказилиши муҳим. Хусусан, уларнинг бола билан яқиндан мулоқот қилишга психологик ва эмоционал жиҳатдан тайёрлиги даражаси ва соғлиғи барқарорлиги тизимли равишда текширувдан ўтказилиши мақсадга мувофиқ», – дейилган Болалар омбудсмани хабарида.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (болалар омбудсмани) тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Мазкур қонун лойиҳасида болалар омбудсмани фаолияти самарали ташкил этилишига хизмат қиладиган қоидалар ўз аксини топган. Жумладан, Парламент мажлисларида болалар омбудсмани маърузаси ҳар йили эшитилиши кўзда тутилмоқда. Бу ваколат орқали болалар омбудсмани болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида эътибор қаратилиши зарур бўлган долзарб муаммоларни парламент майдонига олиб чиқади ва уларнинг ечими бўйича таклифлар беради;

Болалар омбудсманига мансабдор шахсларга қонунчилик бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантириш ва тақдимномалар киритиш ҳуқуқи берилмоқда. Бундай ҳуқуқ болалар омбудсмани фаолияти таъсирчанлигини оширади. Хусусан, бу болаларнинг манфаатларини бузилишига йўл қўйган ҳар қандай мансабдорга тегишли чора кўрилишига эришиш имконини яратади;

Болалар омбудсманнинг Олий Мажлис, Конституциявий суд, Олий суд, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида иштирок этиш ва масалалар киритиш ҳуқуқи мустақамланмоқда. Мазкур ҳуқуқ орқали болалар омбудсмани парламентда, ижро органларида ва судларда бола ҳуқуқларини махсус ҳимоя қилади, мазкур органлар эътиборини айнан бола манфаати устунлигига қаратади;

Лойиҳага кўра суриштирув, тергов органлари ва суд вояга етмаганларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки жинсий эркинлигига қарши жиноятларга оид қабул қилган қарор, ҳукм (ажрим)лари тўғрисида болалар омбудсманини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Бундай хабардорлик натижасида болаларга қарши жиноят фактлари яширилиши, бундай ишларнинг қонунга зид равишда тугатилиши, тергов қилинмаслиги ёки судда кўрилмаслиги олди олинади.

Шунингдек, қонун билан болалар омбудсманига вояга етмаган шахс иштирок этган жиноят иши ҳужжатлари билан танишиш ва улардан кўчирма нусхалар олиш;

Боланинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тиклаш мақсадида суд жараёнларида иштирок этиш;

Ҳукм билан танишиб, бола манфаатидан келиб чиқиб, прокуратурага ҳукм устидан протест билдириш ҳақида мурожаат қилиш каби ҳуқуқлар берилмоқда.

\*\*\*

Гендер фаоли ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ёрдамчиси Саида Мирзиёева Сенат томонидан аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳақидаги қонун қабул қилинганига муносабат билдираркан, бу ўзгаришлар учун ҳаракатлар жуда узоқ вақтдан бери давом этмоқда ҳамда бу қийин ва узоқ йўлнинг ҳали бошланишига эътибор қаратади.

Сенатнинг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлисида «Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун маъқулланди.

Саида Мирзиёева: «Бугун Сенат болалар ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳасини маъқуллади. Кураш ҳамма учун жуда қийин кечди.

Президент имзолагач, Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга киритилаётган ушбу ўзгартиришлар кучга кирса, биз ниҳоят тажовузкорларни жавобгарликка тортиш орқали аёлларни оиладаги зўравонликдан ҳимоя қила оламиз.

Эндиликда вояга етмаган шахс билан алоқа жамоат хавфи бўлмаган жиноятлар тоифасидан оғир жиноят қаторига ўтди», — дейди.

Саида Мирзиёеванинг ёзишича, вояга етмаганлар билан жинсий алоқа қилган ва қамоқдан қутулиб қолмоқчи бўлганлар учун бўшлиқлар ёпилади. «Энди бу қилмиш узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Бу эса давлат ҳар қандай зўравонликка қарши қатъий курашаётгани ҳақида жиноятчиларга яққол ишора!

Қонун билан боғлиқ жараёнларга алоқадор бўлган ва бизни қўллаб-қувватлаган барчага миннатдорчилик билдираман. Бу



Ўзгаришлар учун ҳаракатлар жуда узоқ вақтдан бери давом этмоқда ҳамда бу қийин ва узоқ йўлнинг ҳали бошланиши.

Биз ижтимоий меъёрларни, жамият сифатида ўзимизни ўзгартирамиз. Давлатнинг ижтимоий хавфсизлигини таъминлаш учун ҳаммасиз энг заиф қатламларни ҳимоя қилишимиз шарт», дейилади муносабатда.

Собиқ Болалар Омбудсмани Алия Юнусова «Болаларга жинсий зўравонлик қилганларга энг оғир жазо тури қўлланилиши керак» деб ҳисоблайди. Унга кўра, Бола омбудсмани уларни амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилмаслик керак.

«Шахсан менга юборилаётган мурожаатлар орасида оила аъзолари, буvasи, ўғай акаси ёки ўғай отаси томонидан мунтазам жинсий зўравонликларга учраётган болалар ҳам топилади. Ҳатто 4–9, 10–14 ёшли болаларга нисбатан жинсий зўравонликлар амалга ошириляпти. Албатта, бу — жуда ачинарли ҳолат. Бундай мурожаатларни ўқиш жуда оғир. Ахир болалар ҳимояга муҳтож. Бу ҳолатларни ўзимиз назоратга олиб, Бош прокуратурага расмий хат билан мурожаат қиляпмиз», — деб ёзади у.

Юнусованинг сўзларига кўра, болаларга нисбатан қўлланадиган жинсий зўравонликларга бериладиган жазо турини кучайтириш орқали юқоридаги ҳолатларга барҳам бериш мумкин.

«Ўзбекистон 1995 йил 31 августда 1966 йил 16 декабрдаги Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир факультатив баённомага қўшилган. Ушбу ҳужжатга асосан мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинган ва бу давлатимизнинг халқаро мажбурияти ҳисобланади. Шундай экан, Болалар омбудсмани болаларга нисбатан жинсий зўравонлик қилган шахсларга энг оғир жазо тури қўлланиши ҳамда уларга ҳеч қандай амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланмаслиги керак, деган позицияда турибди», — дейди Юнусова.

Бола омбудсмани мурожаатлар таҳлили ва ўтказган ўрганишлари давомида таклифлар тайёрлаб, тегишли ташкилотларга юборган. Бундан ташқари, болаларга яратилган шароитлар ҳам ўрганилиб, аниқлаган камчиликлар бўйича тавсиялар берилган.

\*\*\*

Статистикага қарайдиган бўлсак, бугунги кунда ер юзида оғир меҳнат билан шуғулланаётганларнинг кўп қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Гендер тенглик қурғоқчилик, очарчилик ва ерларнинг деградациясига қарши курашда барқарор, прогрессив ва мазмунли ҳаракатларни амалга ошириш учун жуда муҳимдир. Мақсадимиз аёлларнинг айнан ер юзидаги соғлом ҳаётни сақлаб қолиш борасидаги ваколатларини кенгайтиришдир»,- деган БМТнинг чўлланишга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси ижрочи котиби Ксения Скленлон Самарқандда ўтказилган конференцияда.

Тадбир давомида гендер тенгсизлик аёлларнинг ресурслардан фойдаланишларига, бу борадаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашларига тўсқинлик қилиши алоҳида таъкидланган.

Шунингдек, дунё бўйича ерга тенг эгаллик ҳуқуқи йўқлиги, ресурслар, ахборот, технологиялар ва молиявий хизматлардан фойдаланиш ҳамда қарорлар қабул қилишда аёллар маълум тўсиқларга дуч келаётгани, шунинг учун ҳам чанг ва қўм бўронларига қарши курашиш ва ер деградациясини тўхтатиш учун гендерга мос ва гендерни ўзгартирувчи чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган.







Бошлиғи Адолат Ҳринова.

\*\*\*

Статистика агентлиги берган маълумотларга кўра, ажралишларнинг 60,3 фоизи шаҳар жойларида, 39,7 фоизи қишлоқ жойларида кузатилган. 2023 йилнинг январ–сентябр ойларида никоҳдан ажралишлар сони республика ҳудудида 37,7 мингтани ташкил этган. Бу эса 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 17,7 мингтага кўпайганини кўрсатган. Ажралишларнинг 60,3 фоизи шаҳар жойларида, 39,7 фоизи қишлоқ жойларида кузатилган.

Шунингдек, оилада бир нафар фарзанд билан никоҳдан ажралишлар сони 10 минг 229 тани, икки ва ундан ортиқ фарзанд билан никоҳдан ажралишлар 8 минг 331 тани ташкил этган. Фарзандсиз никоҳдан ажралишлар сони анча кўп бўлиб, 19 минг 94 та бундай ҳолат қайд этилган.



Никоҳдан ажралишларнинг энг юқори ўсиш суръати Хоразм, Андижон, Фарғона, Жиззах ва Наманган вилоятларида, ўсишнинг паст даражаси эса Самарқанд, Сирдарё, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида қайд этилган. Ажралишларнинг ўртача ёши эркаклар учун 37 ёшга, аёллар учун 32,9 ёшга тенг бўлган. Бунда энг катта кўрсаткич 62,3 фоиз билан 35 ёшгача бўлган ажралаётган аёллар улушига тўғри келган.

Маълумот учун, тўққиз ой давомида никоҳдан ажралишлар сони энг кўп ҳудуд Тошкент шаҳрида қайд этилган бўлиб, пойтахт шаҳарда 4 минг 626 та ҳолат кузатилган. Шу билан бирга, Фарғона ва Андижон вилоятлари ҳам бошқа ҳудудларга нисбатан юқори даражани эгаллаган. Энг кам ажралишлар эса

Навоий вилоятида бўлиб, 1 минг 109 тани ташкил қилган.



\*\*\*

Гендер тенглиги бўйича ҳуқуқий майдонда кураш

Ўзбекистонда кўпхотинликни тарғиб қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Шунингдек, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш жарима солинишига сабаб бўлади.

Президент томонидан имзоланган қонун билан Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиришга кўра:

Никоҳи қонунда белгиланган тартибда қайд этилмаган шахслар ўртасида, шу жумладан никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, БҲМнинг 15 бараваридан 30 бараваригача (4 млн 950 минг сўмдан 9 млн 900 минг сўмгача) миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшашни тарғиб қилиш, ушбу мазмундаги қарашларни, ғояларни ёки чақириқларни тарқатиш, шунингдек бундай хатти-ҳаракатларни рағбатлантириш, БҲМнинг 15 бараваридан 30 бараваригача (4 млн 950 минг сўмдан 9 млн 900 минг сўмгача) миқдорда жарима солишига ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишига сабаб бўлади.

Жамоат жойларида шахсини идентификация қилиш имконини бермайдиган даражада юзини тўсган ҳолда бўлиш, БҲМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача (3 млн 300 минг сўмдан 4 млн 950 минг сўмгача) миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Маълумот учун, тиббий кўрсатмага асосан ёки йўл-транспорт ҳаракатида хавфсизликни таъминлаш учун кийиладиган махсус бош кийимда ёхуд меҳнат ва хизмат фаолияти билан боғлиқ ҳолларда юзини тўсган ҳолда бўлиш ёки спорт ва маданий тадбирларни ўтказиш вақтида ушбу тадбирлар иштирокчиларининг юзини тўсган ҳолда бўлиши, шунингдек қонунчиликда тўғридан-тўғри рухсат этилган бошқа ҳолатларда юзини тўсган ҳолда бўлиш жарима солишига сабаб бўлмайди.

Жинс бўйича камситишни тарғиб қилиш, шу жумладан хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлилигини очиқдан-очиқ инкор этиш, ушбу мазмундаги қарашларни, ғояларни ёки чақириқларни тарқатиш, худди шунингдек бундай хатти-ҳаракатларни омма олдида оқлаш ва (ёки) рағбатлантириш, БҲМнинг 10 бараваридан 20 бараваригача (3 млн 300 минг сўмдан 6 млн 600 минг сўмгача) миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Жиноят кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра:

Никоҳи қонунда белгиланган тартибда қайд этилмаган шахслар ўртасида, шу жумладан никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, БҲМнинг 75 бараваридан 150 бараваригача (24 млн 750 минг сўмдан 49 млн 500 минг сўмгача) миқдорда жарима ёки 360 соатдан 400 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, БҲМнинг 300 бараваридан 600 бараваригача (99 млн сўмдан 198 млн сўмгача) миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, мурасасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаън-шараф ва қадр-қимматни камситишга, диний эътиқодига ёки дахрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлар, шунингдек миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, фуқароларнинг устунлигини ёки нуқсонли эканлигини тарғиб қилиш, худди шунингдек миллий, ирқий, этник мансублигига ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш, йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

\*\*\*

Аёллар хотиржамлиги ва хавфсизлиги индекси (Women Peace and Security Index) аёлларнинг жамиятдаги ўрни бўйича давлатлар рейтингини эълон қилди. Мазкур рейтингда 177 та давлат қатнашган. Аёлларнинг жамиятдаги ўрни бўйича давлатлар рейтингини эълон қилинди.


Women Peace and Security Index рўйхатида келтирилган давлатлар аёллар хавфсизлиги, жамият ишларига аралашуш ва уларга нисбатан адолат мезонлари бўйича сараланган.

Ушбу рўйхатда Ўзбекистон 94-ўринни эгаллаб, Тожикистон (90 ўрин), Қозоғистон (80-ўрин) ва Туркманистон (58-ўрин) дан аёлларга яратилган шароитлар бўйича ортда қолган. Қирғизистон эса рейтингнинг 95-ўридан жой олган.

Рейтингга кўра, аёлларга бўлган энг яхши шароит бўйича Дания биринчи ўринни эгаллаган. Швейцария иккинчи ва Швеция учинчи ўринда қайд этилган. Аёллар энг кўп азият чекадиган мамлакат сифатида Афғонистон (177-ўрин) энг сўнги ўринни эгаллаган.

Шунингдек, Ўзбекистон «Очиқ Гендер маълумотлар индекси»да энг яхши 20 та мамлакат орасидан жой олди. Индекс 35 та статистик тоифадаги 11 та кўрсаткичнинг мавжудлигига асосланади ва бутун дунё бўйлаб гендер маълумотларининг мавжудлиги ва очиқлигини баҳолайди.

Ўзбекистон Open Data Watch ташкилотининг сўнги ҳисоботида «Очиқ Гендер маълумотлари индексида» 69,7 балл тўплаган ҳолда жаҳондаги энг яхши 20 та мамлакат орасидан жой олди.



Қайд этилишича, индекс 35 та статистик тоифадаги 11 та кўрсаткичнинг мавжудлигига асосланади ва бутун дунё бўйлаб гендер маълумотларининг мавжудлиги ва очиқлигини баҳолайди.

Ўзбекистонда гендер статистикасини юритиш бўйича Статистика агентлиги ваколатли орган бўлиб, агентликда гендер статистикасини йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бўйича алоҳида бўлинма ташкил этилган.

Агентлик томонидан юритиладиган gender.stat.uz сайтининг барча бўлимларида эса бугунги кунда 180 дан зиёд гендер статистикасига оид кўрсаткичлар 3 та тилда, 5 хил форматда жойлаштириб борилади.

Қашқадарёда 13 ёшли меҳрибонлик уйи тарбияланувчисини зўрлаб, ҳомиладор қилиб қўйган эркакка жиноят иши қўзғатилган.

Маиший зўровонлик ва педофилия жиноятлари

Ўзбекистон Республикаси Олий суд матбуот хизматига кўра, Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида эркак 13 ёшли меҳрибонлик уйи тарбияланувчисини зўрлаб, ҳомиладор қилиб қўйгани маълум бўлди.

Жиноят кодексининг 129-моддаси (ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш) 2-қисми ва 118-моддаси (номусга тегиш) 3-қисми «а» бандида назарда тутилаётган жиноятларни содир этганликда айбланаётган К.Т. (1971 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган) қамоққа олинган.

\*\*\*

Хоразмда меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан бир неча бор жинсий алоқа қилган вилоят адлия бошқармаси ҳамда Янгиариқ тумани фавқулотда вазиятлар бўлими раҳбарлари ЖКнинг 128-моддаси (ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш) 1-қисми ва Жиноят кодексининг эски тахрирдаги 128-1-моддаси (ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёхуд мулкий манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш)да назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилиб, уларнинг ҳар бирига 1 йил 6 ойдан озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамиятининг кескин муносабати ва фаоллар қаршилигидан сўнг апелляция суди педофилларни қамоққа олди ва 3 йилга озодликдан маҳрум қилди.

\*\*\*

Хоразмнинг Янгиариқ туманида 2006 йилда туғилган қиз бир неча эркак томонидан зўрланганлиги хабар қилинди. Хоразм вилояти ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими томонидан ушбу ҳолат билан боғлиқ жиноят иши юзасидан аввалдан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Тергов давомида 8 нафар шахс гумонланувчи, 3 нафар шахс айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинган. 3 нафар айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган.

\*\*\*

Қашқадарёда ота-она 14 ёшли қизини аёвсиз калтакланди. Қайд этилишича, 2023 йилнинг 16-апрел кўни тахминан соат 11:30 ларда Қашқадарё вилояти Косон тумани «Қорабайир» маҳалласида яшовчи 2009 йилда туғилган Х.Г. онаси 1982 йилда туғилган М.М. ҳамда отаси 1978 йилда туғилган Т.Р. томонидан калтакланган.

\*\*\*

Янгиҳаёт туманидаги 122-сонли боғчада болалар ухламагани учун оёқларига игна тиқилган. Маълум қилинишича, Педагогика коллежи ўқувчиси Р.М. амалиётини ўташ учун Янгиҳаёт тумани «Орият» МФЙда жойлашган 122 сонли давлат мактабгача таълим ташкилотига 2023 йил 11 май кунидан 4-сонли кичик гуруҳга қабул қилинган.

2023 йил 26 май кўни шу гуруҳдаги тарбияланувчилар ухламаганлиги сабабли 2-3 нафарига игна тиқиб олганлигини аниқланди. Ҳозирда талаба Р.М. амалиётдан четлатилган.

Янгиҳаёт туманидаги болалар боғчасида амалиёт ўтаётган коллеж талабаси боғча тарбияланувчиларига игна тиққанлиги ҳолати юзасидан ички ишлар органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

\*\*\*

Тошкент шаҳри Яшнобод туманида яшовчи эркак ўзи яшайдиган «дом»нинг кириш йўлагига қўшнисининг 11 ёшли қизига нисбатан уятсиз, бузуқ ҳаракатлар қилгани аниқланган. 1969 йилда туғилган эркак 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз, бузуқ ҳаракатлар қилиш жиноятини содир этганликда гумон қилиниб, ушланган. Яъни, у ўзи яшаётган уйнинг кириш йўлагига 11 ёшли қизнинг қаровсиз юрганини кўриб, унинг иккала елкасидан қўллари билан ушлаб, юз ва лабларидан ўпиб, орқа қисмидан ушлаб, унга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилган.

Олиб борилган тергов жараёнида эркак Жиноят процессуал кодексининг 227-моддаси тартибида ушланиб, унга нисбатан 129-моддаси 2-қисми (ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш) билан жиноят иши қўзғатилган.

\*\*\*

Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида 52 ёшли эркак меҳрибонлик уйдан асраб олган 13 ёшли қизни зўрлаб, ҳомиладор қилиб қўйгани ҳолат 2023 йил 6 июн кўни жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судида кўрилиб, судланувчи Жиноят кодексининг 118-моддаси (номусга тегиш) 3-қисми «а» банди ва эски таҳрирдаги (2023 йил 11 апрелга қадар амалда бўлган) 129-моддаси (ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш) 2-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбланиб, унга Жиноят кодексининг 59-моддаси (бир нечта жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш) га асосан 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

\*\*\*

Фарғона вилоятида яшовчи фуқаро ўз хотинини бўғизлаб ўлдирган ҳамда ўз жонида қасд қилган. Янгиҳаёт МФЙ, Саховат кўчасида яшовчи 2007 йилда туғилган, вояга етмаган Ш.Х. билан ўзаро жанжаллашиб келган ва 9 июн кўни соат 23:00 ларда улар ўртасида яна жанжаллашув содир бўлган. Суриштирув давомида аниқланишича, марҳума Ш.А. ҳам муқаддам судланиб қамалган ва мазкур ҳолат юзасидан 10 июн кўни Бешариқ туман прокуратураси томонидан У.А.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

\*\*\*

Андижонда аёл эридан ўч олиш учун 5 ойлик фарзандини қийнади. Андижон вилояти, Улуғнор тумани, Чўлобод МФЙда яшовчи, 21 ёшли аёл, 2023 йил 13 июн кўни Улуғнор туманидаги яшаш уйдан Россия Федерациясида ишлаётган турмуш ўртоғига ўзаро ўрталаридаги оилавий келишмовчилик сабабли 5 ойлик фарзандини йиғлаган ҳолдаги видеоларини Telegram мессенжери орқали жўнатганлиги аниқланган.

\*\*\*

Самарқандда эркак хотинидан ўч олиш учун уч фарзандини ўлдирди. Самарқандда эркак Исроилга ишлаш учун кетган хотинидан қасос олиш учун уч нафар фарзандини пичоқлади. Кейин хотинидан қасос олиш учун у 10, 12 ва 13 ёшли уч фарзандини (2 нафар ўғил, 1 нафар қиз) ошхона пичоғи билан пичоқлаган. Шундан сўнг, ўзини ўлдирмоқчи бўлиб, кўкрагига пичоқ билан уриб, жароҳат етказган.

\*\*\*

Жиззахда 12 ёшли қизни зўрлаган йигитга 2 йил озодликдан чеклаш жазоси берилди. Жиззах вилоятида йигит 6-синф ўқувчисини зўрлаган ва унга 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

\*\*\*

Фарғонада аёлини рашк сабаб ўроқ билан ўлдирган эркак қамалди. Маълум бўлишича, марҳуманинг оиласидаги доимий келишмовчилик сабаб у қизлик уйида яшаб келган. Лекин у ерда ҳам эри томонидан тинчлик берилмаганлиги учун Туркияга ишлаш учун кетган. Орадан маълум вақт ўтиб, Ўзбекистонга қайтади ва эри томонидан ўлдирилади.

Ҳолат юзасидан жиноят иши ЖИБ Олтиариқ туман судида кўриб чиқилган. Унга кўра, судланувчи ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, унга 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шунингдек, у ўта хавfli рецидивист деб топилган.

\*\*\*

Фарғонада 31 ёшли аёл 4 нафар эркак томонидан зўрланди. Фарғонада 31 ёшли аёл 4 нафар эркак томонидан зўрланди. Эркакларга нисбатан жиноят иши очилиб, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилди.

Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида содир бўлган. Тўрт нафар эркак аёлни мажбурлаб, ташландиқ шийпонга олиб борган. Улар аёлни тўрт эркакдан бири билан жинсий алоқада бўлганини видеога олиб, уни ижтимоий тармоқларда тарқатиб юбориш билан қўрқитиб, унинг эркига қарши номусига тегиб, жинсий эҳтиёжларини қондиришган.

\*\*\*

Тошкентда 8 ёшли қизга тегажўглик қилган катта ёшли киши ушланди. Эркак вояга етмаган қизни қаршилигига қарамасдан уни ўпиб, уятсиз-бузуқ ҳаракат содир этган.

Ҳолат юзасидан Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБ Тергов бўлими томонидан Жиноят кодексининг 129-моддаси (ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш) билан жиноят иши қўзғатилган. Гумон қилинувчи процессуал тартибда ушланган.

\*\*\*

Қорақалпоғистонда 13 ёшли қиз қўшниси томонидан зўрланган. Айбланувчи 44-45 ёшларда экани айтилмоқда. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Қорақалпоғистон Республикаси Элқалъа туманида 13 яшар қиз қўшниси томонидан қўрқитилиб, икки йилдан буён зўрлаб келингани айтилган.

Гумонланувчига Жиноят кодексининг 118-моддаси (номусга тегиш) 4-қисми, 119-моддаси (жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондириш) 4-қисми билан жиноят иши қўзғатилган ва Жиноят-процессуал кодексининг 221-моддаси тартибда ушланган.

\*\*\*

Қашқадарёда эр хотинини моторли арра билан ўлдирди. Айбланувчи содир этган жинояти учун 13 йилга қамалган. Қашқадарё вилоятида ўз хотинини моторли арра билан ўлдирган эркак 13 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Бу ҳақда «Сукут сақлама» лойиҳаси (Nemolchi.uz) [хабар берди](#).

\*\*\*

Қашқадарёда аёл 8 ойлик чақалоққа «уксус» ичириб қўйди. Гўдакнинг юраги бир бор тўхтаб қолган. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида аёл саккиз ойлик чақалоққа назоратсизлик ва эҳтиётсизлик оқибатида сувда эритилмаган юқори концентрацияли сирка кислотасини ичириб қўйди.

Маълум бўлишича, чақалоқ 2023 йил 7 февралда туғилган. Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиали реанимация бўлимига эса 2023 йил 9 сентябр куни соат 15:32 да оғир аҳволда олиб келинган.

\*\*\*

Фарғонада аёлни тепиб, машинага ўтказган ППХ ходими лавозимидан олинди. Аёл ёш боласи билан йўлнинг қатнов қисмида тиланчилик қилган. 18 сентябр куни ижтимоий тармоқларда патрул-пост хизмати (ППХ) ходимлари бир аёлни тепиб, машинага ўтказаетгани акс этган видео тарқалди.

Маълум қилинишича, 2023 йилнинг 18 сентябр куни патрул-пост хизмати ходимлари Фарғона шаҳар Ислон Каримов ва Қувасой кўчалари чорраҳасида хизмат олиб бораётган вақтда тиланчилик билан шуғулланаётган аёл билан профилактик суҳбат ўтказиш мақсадида ундан йўлнинг қатнов қисмидан четга чиқишини сўраган. Бундан аёлнинг жаҳли чиқиб, ходимларга қаршилик кўрсатган.

\*\*\*

Тошкентда 7 ёшли қизга тегажўғлик қилган 55 ёшли эркак 18 йилга озодликдан маҳрум этилди. «Сукут сақлама» лойиҳасига кўра, воқеа 2023 йилнинг июн ойи бошида содир бўлган. Эркак қизнинг орқасидан бориб, уни мушти билан қўрқитган ва [тегажўғлик қилган](#).

Маълум қилинишича, 2023 йил 20 сентябр куни мазкур жиноятни содир этган Х.А. Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди томонидан Жиноят кодексининг 119-моддаси (жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш) 4-қисми билан айбли деб топилиб, 18 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

\*\*\*

2023 йил 18 октябр куни жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ тумани судида Тошкент вилояти Қибрай тумани Қўриқлаш бўлимида сафдор бўлиб ишлаган, собиқ Миллий гвардия ходими 13 ёшли қизни зўрлагани юзасидан суд жараёни якунланди.

Суд ҳукмига кўра, Ш.Шарипов Жиноят кодексининг 118-моддаси (номусга тегиш) 4-қисмда назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилган ва унга 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

\*\*\*

Тошкентда 10 ёшли қизга лифтда тегажоглик қилган эркак ушланган. 27 октябр куни мактабдан қайтаётган ўқувчи қиз ортидан лифтга кирган йигит, унга нисбатан ножуя ҳаракатлар қилган.

Қизнинг яқин қариндошининг сўзларига кўра, 27 октябр, жума куни кундузи соат 16-17:00 атрофида 10 ёшли қиз Тошкент шаҳри Учтепа туманида уйига яқин бўлган мактабдан қайтаётган вақтда, тахминан 25-30 ёшлардаги йигит унинг ортидан кўпқаватли уйдаги лифтга кирган. Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 129-моддаси 2-қисми (Вояга етмаганларга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш) билан жиноят иши қўзғатилган.

\*\*\*

2023 йил 4 ноябр куни ижтимоий тармоқларда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги мурувват уйида ҳимояга муҳтож болаларга ходим куч ишлатгани акс этган видео тарқалди.

\*\*\*

Наманганда аёл ўзининг 10 яшар боласини аёвсиз калтаклади. Болалар омбудсмани берган маълумотларга кўра, ҳолат шу йилнинг 4 ноябр куни Наманган вилоятининг Янги Наманган тумани «Ёшлик» МФЙ Исломобод кўчасида яшовчи К.Х. томонидан содир этилиб, у ўзи яшайдиган уйнинг ҳовлисида 10 ёшли фарзанди С.М.ни калтаклаган.

Шундан сўнг, Наманган шаҳар ИИО ФМБ Янги Наманган тумани ИИБ тезкор тергов гуруҳи воқеа жойига етиб борган.

\*\*\*

Тошкентда йўловчи қизчага шилқимлик қилган «кондуктор» беш суткага қамалди. У тўққиз ёшли йўловчининг қўлларидан ушлаб, шаҳвоний ҳаракатлар қилган.

\*\*\*

14 ёшли қизчани фоҳишалikka мажбурлаб келган аёл ушланди. Онаси Россияда, отаси ичкиликка берилган ушбу қизча етти ой давомида турли шахслар билан жинсий алоқа қилишга мажбурланган.

Китоб тумани прокурори томонидан фуқаро Н.А га нисбатан Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми «а» банди билан (Одам савдоси, вояга етмаган шахсга нисбатан) жиноят иши қўзғатилиб, тергов гуруҳи тузилган ва тезкор равишда тергов ҳаракатларига киришилган.

\*\*\*

Тошкентда кечқурун аёлларни ичкарига киргизмаган кафе эгаси жаримага тортилди. Кафе ички қоидаларига кўра, соат 22:30 дан кейин аёлларни киритиш мумкин бўлмаган.

Суд қарорига кўра, улар жинс бўйича камситишни тарғиб қилиш, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқчилигини инкор этиш, ушбу мазмундаги қарашларни, ғояларни ёки чақириқларни тарқатиш, шунингдек, бундай хатти-ҳаракатларни омма олдида оқлаш ва (ёки) рағбатлантириш моддаси билан айбдор деб топилишган ҳамда ҳар бири БҲМнинг 20 баравари — 6 миллион 600 минг сўмдан жаримага тортилган.



\*\*\*

Болалар омбудсманига кўра, ҳолат вилоятнинг Урганч тумани Чондирқиёт қишлоғи Тадқиқотчилар маҳалласида жойлашган 23-сонли МТМда бўлиб, бунда тарбиячи Р.Г. ва ёрдамчи тарбиячи А.М. тарбияланувчилар Р.С., М.С., У.З., С.Т.ларга нисбатан туртиш, тегиш, қулоғидан тортиш, бошига уриш каби номақбул хатти-ҳаракатлар содир қилган.

\*\*\*

Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Пачкамар МФЙда жойлашган 40-умумий ўрта таълим мактаб филиалида ўқитувчи А.Х. томонидан 3-синф ўқувчиси Э.С. калтаклаган.

\*\*\*

Болалар омбудсмани Сурайё Рахмонова эрта никоҳлар ва мактаб ёшидаги қизларга нисбатан унаштирув маросимларини ўтказилиши каби салбий ҳолатлар юзасидан шу йилнинг 22-23 декабр кунлари Қашқадарё вилоятининг Кўкдала, Касби ва Косон туманларида ўрганишлар ўтказган.

**Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамиятининг тавсиялари:**

- 1. БМТнинг гендер тенглиги ва бола ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро конвенцияларга қатъий амал қилиш;**
- 2. Миллий қонун ҳужжатларини халқаро конвенция ва ҳуқуқий нормаларга мослаштириш;**
- 3. Маиший зўровонлик ва педофилия жиноятлари бўйича тадқиқотлар натижаларини жамоатчиликка ошкор қилиш;**
- 4. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш бўйича дастурларни такомиллаштириш.**